



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Кимё фанларини ўқитишнинг  
инновацион мухитини лойиҳалаштириш  
модули бўйича  
**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021



**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Н. И.Мамадалиева** - Низомий номли ТДПУ, “Кимё ўқитиши методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.д., *PhD*

**Тақризчи:**

**Hans-Werner Huneke** - Гейделберг педагогика университети(Германия), профессор

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**



## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕР-ФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	10
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	26
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	62
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	75
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ Ошибка! Закладка не определенна.	
VII. ГЛОССАРИЙ .....	84
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	91

## I. ИШЧИДАСТУР

### КИРИШ

Кимё фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш модули олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни модернизациялаш, мазкур жараёнга инновацион технологияларни қўллашга оид методик билим, кўникма ва малакаларини, кимё фанларининг ўқитиш асосларини ўргатади. Унда кимё ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функциялари ўргатилади. Кимё фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш модулида олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини, кимё фанларининг вазифалари, кимё ўқув курсининг мазмунига қўйиладиган талаблар, кимёниң ўқитиш методлари, кимё ўқитиш натижаларини назорат қилиш, кимё ўқитишнинг воситалари, методикаси баён қилинади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Кимё фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулининг мақсади:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини кимё ўқитиш методикасининг замонавий ўқитиш методлари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, кимё ўқитиш методикаси муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

### “Кимё фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулининг вазифалари:

- кимё ўқитищдаги педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг кимё ўқитиш методикаси муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- кимё ўқитиш методикаси муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

### Модулбўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.

“Кимё фанларини ўқитишнинг инновацион мұхитини лойиҳалаштириш” модулини ўзлаштириш жараённада амалга ошириладиган масалалар доирасида **TINGLOVCHI**:

- олий таълим кимё фанларини ўқитища қўлланиладиган ёндошувлар, тенденцияларни;

- кимёвий таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш муаммоларини;

• ўқув ахборотларини излаш, олиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва талабалар онгига етказиш йўлларини ҳақида **билимларга эга** бўлиши лозим.

**ТИНГЛОВЧИ:**

- кимёни ўқитишига тизимли, технологик ёндошиш асосида педагогик фаолиятни режалаштиришни ва машғулотнинг ўқув мақсадларини қўя олиш;

• кимё фанларидан олий таълимда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар тизимини ташкил этиш;

• кимёдан ўқув машғулотларини моделлаштириш, мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан кўра билиш ва хатоларни олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқишиккўни~~малари~~га эга бўлиши лозим.

**ТИНГЛОВЧИ:**

• олий таълим кимё фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларида инновацион метод ва воситаларни жорий этиш;

• ўқув жараёнини “жонли”, ижодий, талаба шахсини баркамол ривожланишига имкон берадиган даражада ташкил этиш ва кимёни ўқитишининг замонавий интерфаол метод ва воситаларини қўллай олиш;

• талабаларнинг мустақил, илмий, ижодий, тадқиқий ишларини ташкил этиш; кимё фанларини ўқитиши бўйича илфор хорижий тажрибалардан фойдалана олиш малакаларига эга бўлиши лозим.

**ТИНГЛОВЧИ:**

• кимё фанларидан электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнинда фойдалана олиш;

замонавий ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва такомиллаштириш **компетенциясигаэга бўлиши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модул бўйича ишлаб чиқилган назарий, амалий ва мустақил таълим мавзулари асосида ташкил этилади. Модул охирида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди. Битирув ишиталаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларини, силлабусини тақдимотини тайёрлайди.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Кимё фанининг ривожланиш тенденциялари ва инновацион лойиҳалар”, “Педагогик тадқиқот натижаларни тахлил қилувчи ахборот тизимлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласи.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Кимё ўқитиш методикасидаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	жумладан	
			Назарий	Амалий машгулот
1	Кимё ўқитиш методикаси фанининг назарий асослари ва ривожланиш тарихи	2	2	
2	Кимё ўқитувчиси фаолияти турлари ва илфор тажрибаларни эгаллашга оид ишлар, ўқитувчининг илмий методик иши	2	2	
3	Масофадан ўқитиш технологияси. Таълим жараёнини ахборотлаштириш	2	2	
4	Кимёни ўқитишга инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари	2	2	
5	Кимё ўқитиш методикасини ривожлантиришда кимёгар олимларнинг назариялари ва тадқиқот методлари	2		2
6	Таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг дидактик функциялари	2		2
7	Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш босқичлари ва уларнинг мазмуни	2		2
8	Олий таълимда кимёни ўқитишнинг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион мұхитини лойиҳалаштириш	2		2
9	Виртуал синф ( гурух) ўқитишнинг таъминоти, ўкув телекомуникация лойиҳалари, тескари алоқа диалогик технология; компьютер алоқаси; телеконференция	2		2

<b>10</b>	Муҳим мавзуларни ўқитишига инновацион ва информацион, интерактив ўқитиши методларини жорий қилиш масалалари	2		2
<b>11</b>	Замонавий ёндашувлар асосида талабалар мустақил ижодий ишларини ташкил этиш	2		2
<b>Жами:</b>		<b>22</b>	<b>8</b>	<b>14</b>

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Кимё ўқитиши методикаси фанининг назарий асослари ва ривожланиш тарихи.**

Кимё таълим мининг ўзига хослиги. Олий таълим муассасаларида Кимё ўқитиши методикасини ўқитишининг ривожланиш босқичлари. Кимё фанларини ўқитишининг замонавий методикаси. Замонавий кимё дарсига бўлган талаблар, метод ва воситалар. Кимёни ўқитишида талаба шахсига йўналтирилган таълимтарбия жараёнини ташкил этиш.

### **2-мавзу: Кимё ўқитувчиши фаолияти турлари ва илғор тажрибаларни эгаллашга оид ишлар, ўқитувчининг илмий методик иши.**

Таълим-тарбия жараёнидакимё ўқитувчиши фаолиятининг мазмуни ва моҳияти, уга қўйиладиган талаблар. Кимёвий фанлар бўйича ўқув-методик мажмуанинг таркибий қисмлари ва уларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар. Кимёвий фанлар бўйича яратилган дидактик таъминотнинг дидактик мақсади ва вазифалари. Маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларида дидактик ва тарқатма материаллар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив топшириқлардан фойдаланиш методикаси.

### **3-мавзу: Масофадан ўқитиши технологияси. Таълим жараёнини ахборотлаштириш**

Олий таълимда кимёни ўқитишининг ахборот-коммуникация технологияларига асосланиб ўқитиши методикаси. Масофадан ўқитиши технологиясидан фойдаланиб ўқитиши методикаси. Виртуал синф (гурух) ўқитишининг таъминоти, ўқув телекомуникация лойиҳалари, тескари алоқа диалогик технология; компьютер алоқаси; телеконференция асосида ўқитиши методикасидан фойдаланиш.

### **4-мавзу: Кимёни ўқитишига инновацион технологиялардан фойдаланишининг илмий-назарий асослари.**

Кимёни ўқитишида инновацион ёндашув. Таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-амалий машғулот: Кимё ўқитиш методикасини ривожлантиришда кимёгар олимларнинг назариялари ва тадқиқот методлари**

Кимё ўқитиш методикасини фанининг мақсади ва вазифалари. Кимё ўқитиш методикасини ривожлантиришга ҳисса қўшган кимёгар олимларнинг илмий ва назарий ишлари, уларни илмий методик жихатдан ўрганиш ва дарс давомида фойдаланиш методикаси.

### **2-амалий машғулот: Таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг дидактик функциялари**

Кимёвий фанларини ўқитишда яратилган дидактик таъминотнинг мақсади ва вазифалари. Маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларида дидактик ва тарқатма материаллар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив топшириқлар ишлаб чиқиши.

### **3-амалий машғулот: Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш босқичлари ва уларнинг мазмунни**

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш учун стандарт ва ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш. Кимёвий фанлар бўйича Кейс-стади топшириқлари мажмуасини тайёрлаш методикаси. Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологияларидан фойдаланиш ҳакида маълумот бериш.

### **4-амалий машғулот: Олий таълимда кимёни ўқитишнинг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион мұхитини лойиҳалаштириш.**

Масофадан ўқитиш технологиясининг вужудга келиши, унинг афзалликларини ёритиб бериш. Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқитиш методикаси.

### **5-амалий машғулот: Виртуал синф ( гурух) ўқитишнинг таъминоти, ўқув телекомуникация лойиҳалари. Тескари алоқа диалогик технология; компьютер алоқаси; телеконференция.**

Масофадан ўқитишни ташкил этишни ҳозирги замон моделлари ҳакида тушунча бериш. Масофадан ўқитишнинг коммуникация ва тармоқ технологияларидан фойдаланиб дарс ўтиш методлари.

Кимёни фанларини ўқитиш жараёнида ёш авлодни тарбиялаш, ўқитиш, билим бериш, замонавий ахборот технологияларига яқиндан ёндашиш ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўргатиш методикаси.

## **6-амалий машғулот: Мұхим мавзуларни ўқитишига инновацион ва информацион, интерактив ўқитиши методларини жорий қилиш масалалари.**

Олий таълимда қўлланиладиган асосий интерфаол методларнинг мақсади ва вазифалари. Кимёни фанларини ўқитиши жараёнида инновацион ва инфор-мацион, интерактив ўқитиши методларидан фойдаланишметодикаси.

## **7-амалий машғулот: Замонавий ёндашувлар асосида талабалар мустақил ижодий ишларини ташкил этиш.**

Кимё ўқитиши жараёнида талабалар мустақил ижодий ишларини бажариш давомида ўқув адабиётларни мустақил ўзлаштириши, лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриши, масалалар ечиши, лаборатория ишлари қурилмаларини, ўқитиладиган фанга жадваллар, слайд ва анимациялар тайёрлашларини ташкил этиш методикаси.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loydihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Инсерт-самарали ўқиши ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими.

Аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиш муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгиланиши.

Инсерт-матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақилбилим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб. Инсерт-ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўкув материалини мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўкув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитишусулидир.

Матнда белгилаш тизими

(✓)-мен биламан деганин тасдиқловчи белги;

(+)-янги ахборот белгиси;

(–)-менинг билганларимга, зид белгиси;

(?) -мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

**“Ақлий ҳужум” методи** - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш қўнимаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.


2. Мавзуни тақрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билен боғлаш мақсад қилиб қўйилганда – янги мавзуга ўтиш қисмидә амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмидә амалга оширилади.

#### **“Ақлий хужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Куйида “Ақлий хужум” методининг тузилмаси келтирилган.



#### **“Ақлий хужум” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;
5. Юқорида кўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **“Ақлий хужум” методининг афзалликлари:**

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш үйғотади.

### “Ақлий хужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни түғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талабэтлиши.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи - таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топширикни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим оловчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Куйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси  
“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари  
қуийдагилардан иборат:**

1. Фаолият йұналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ қўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалиги:**


- ўқитиши мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

**«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“Давра сұхбати” методи** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиши методидир.

“Давра сұхбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



**Белгилар:**

1-таълим  
олувчиilar

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Куйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган

#### Сұхбатни ўтказиш шартлари билан таништириш

Конвертлар ва “Жавоблар варақалари”ни тарқатиш

Конвертларга саволлар ёзиш

Конвертни ёнидаги ўқувчига узатиш

Саволларга жавоб ёзиш

Баҳолаш ва таҳлил қилиш

### “Давра сұхбати” методининг түзилмаси

“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзди ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йигиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гурухдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

### “Давра сұхбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

### “Давра сұхбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлашталаб этилади.

“Ролли ўйин” методи –таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим

олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилған сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равища үзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристи, хулқ-автори мухим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



### “Ролли ўйин” методининг тузилмаси

#### “Ролли ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинligини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якунний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хуноса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий тълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишига жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва

ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий маҳсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли йинин қўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

#### **“Ролли йин” методининг афзаллик томонлари:**

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиши)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

#### **“Ролли йин” методининг камчилик томонлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг йининг тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

**“Баҳс-мунозара” методи** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишида қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлинни кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг тақрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро хурмат.
- Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



### **“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва тахлил қиласи.
5. Тахлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

### **“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундейди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва тахлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.


### **“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**“Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини тахлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методdir.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа

олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Куйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурухларга ажратади.
4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласидилар ва ўз варианatlарини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул варианtlарини танлаб олади.

#### **“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:**

- таълим оловчиларда мустақил фикрлаш қобилияtlарини шакллантиради;

- таълим оловчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;

- таълим оловчиларнинг билим ва қобилияtlарини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;

- таълим оловчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

#### **“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:**

- таълим оловчиларда юқори мотивация талаб этилади;

- кўйилган муаммо таълим оловчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;

- кўп вақт талаб этилади.

**“Лойиҳа” методи** - бу таълим оловчиларнинг индивидуал ёки гурухларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим оловчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиши якка тартибда ёки гурухий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўкув гурухининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим оловчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиши ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим оловчилар нуқтанизаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим оловчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласидиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим оловчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Куйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



### **“Лойиҳа” методининг босқичлари**

#### **“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Мұхандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йигадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик групкалар иш режаларини тақдимот қиласидилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиласидилар. Таълим олувчилар мұхандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни мұхокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Мұхандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик групкаларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик групкалар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик групкалар ҳисобот берадилар. Иш якунни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Мұхандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сухбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар

билин таққослайди. Агарда меъёрий күрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Мұхандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчилярнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гурухий иш;
- жамоа иши.

**Пинборд** (инглизчадан: *pin-* маҳкамлаш, *boarд* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув сұхбатини амалий усул билан мослашдан иборат.

*Таълим берувчи:*

- Таклиф этилган муаммони ечишга ўз нұқтаи назарини баён қиласы.
- Оммавий түғри ақлий хужумни ташкиллаштиради.

*Таълим олувчилар қуйидаги ғояларни:*

→ Таклиф этадилар, мұхокама қиласылар, баҳолайдилар энг кўп мақбул (самарали ва бошқа ғояларни танлайдилар ва уларни қофоз варағига асосий сўзлар кўринишида (2 сўздан кўп бўлмаган) ёзадилар ва ёзув тахтасига бириктирадилар.

→ Гурух аъзолари (таълим берувчи томонидан белгиланган 2-3 талаба ёзув тахтасига чиқадилар ва бошқалар билан маслаҳатлашиб:

- аниқ хато ёки қайтарилувчи ғояларни саралайдилар;
- тортишувларни аниқлайдилар;
- ғояларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгилар бўйича аниқлайдилар;
- шу белгилар бўйича ҳамма ғояларни ёзув тахтасида гурухлайдилар (карточка/ варақлар).

*Таълим берувчи:*

Умумлаштиради ва иш натижаларини баҳолайди.

**“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласы.

**S – (strength)** – кучли томонлари

**W – (weakness)** – заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunity)** – имкониятлари

**T – (threat)** – тўсиқлар

**Намуна:** Ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг кучли ва кучсиз томонлари, ички имкониятлари ҳамда ўқитишда мультимедия воситаларидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ташқи хавфларни ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Ўқитишида мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Ахборотларни самарали ўзлаштириш
<b>W</b>	Ўқитишида мультимедия воситаларидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Ахборотларни қабул қилишни фақат бир томонлама бўлиши, аудиторияда педагогик мулоқотнинг сустлашуви
<b>O</b>	Ўқитишида мультимедия воситаларидан фойдаланиш-нинг имкониятлари (ички)	Аудиторияни жалб этиш, вақтдан ютиш, самарали ўзлаштириш, тезкор қабул қилиш, ижодий тасаввурни шакллантириш
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Техника ва шахс омилиниң карама-қаршилиги.

### “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; <input type="checkbox"/> кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); <input type="checkbox"/> ахборотни умумлаштириш; <input type="checkbox"/> ахборот таҳлили; <input type="checkbox"/> муаммоларни аниqlаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниqlаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва групда ишлаш; <input type="checkbox"/> муаммоларни долзарблик иерархиясини аниqlаш; <input type="checkbox"/> асосий муаммоли вазиятни белгилаш

<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<input type="checkbox"/> индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; <input type="checkbox"/> ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; <input type="checkbox"/> муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<input type="checkbox"/> якка ва гурӯҳда ишлаш; <input type="checkbox"/> муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; <input type="checkbox"/> ижодий-лоиҳа тақдимотини тайёрлаш; <input type="checkbox"/> якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

### “Ассесмент” методи.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна:** “Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар” мавзусида ассесмент намунаси.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

<b>Тест</b> 1. “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” ги Президент фармойиши қачон қабул қилинган?	<b>Қиёсий таҳлил</b> Ахборот ресурси ва ахборот тизими ўртасидаги фарқни қиёсий таҳлил қилинг?
--	---

A. 2005 йил B. 2002 йил C. 1997 йил	
<b>Симптом</b> Электрон рақамли имзо...	<b>Амалий кўникма</b> Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳукукий хужжатлардан З тасини мисол келтиринг?

### “Синквейн” методи

**Методнинг мақсади:** “Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”: мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси; ижодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир. “Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

#### “Синквейн” тузиш қоидаси қуйидагича:

- биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади - одатда от туркумидаги оид сўз билан;
- иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан таъсирланади - сифат туркумига оид икки сўз билан;
- учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан таъсирланади;
- тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўртта сўздан иборат гап ёзилади;
- бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним шакллантирилади.

#### Намуна: Компьютер сўзига тузилган “Синквейн”

Компьютер  
Сифатли, тезкор  
Тўплайди, сақлайди, узатади  
Замонавий ахборот технология воситаси.

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Кимё ўқитиш методикаси фанининг назарий асослари ва ривожланиш тарихи.

Режа:

- Олий таълим муассасаларида Кимё ўқитиш методикасини ўқитишнинг ривожланиш босқичлари.
- Кимё фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси.
- Замонавий кимё дарсига бўлган талаблар, метод ва воситалар.

**Таянч иборалар:** замонавий ёндошув турлари тизимли, модул, инновацион ва талаба шахсига йўналтирилган ёндошув, олий таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принциплари, ўқитиш қонунлари ва принциплари, таълим мазмунининг таркибий қисмлари ва уларнинг босқичлари.

#### 1. Олий таълим муассасаларида Кимё ўқитиш методикасини ўқитишнинг ривожланиш босқичлари.

Кимё фанини ва унинг бўлимларини ўқитишда дидактик материалларни ишлаб чиқиши ва қўллаш ҳақида, кимё таълими дидактик тизим сифатида, кимё таълим мини бошқариш ва ташкил қилиш усуллари, кимё фанини ўқитишда алгоритмлар ва дастурлардан фойдаланиш, кимё таълим мини ташкиллаштириш шакллари, кимё ўқитиш методикаси фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги, кимё дарсларида инновацион методлардан фойдаланишинг назарий асосларини ўрганиш бўйича чет эл олимларидан Э.Г.Полупаненко, В.А.Кузурман, И.В.Задорожний, Э.Е.Минченков, М.С.Пак, Д.К.Бондаренко, С.С.Космодемянская, С.И.Гилманшена кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир. Органик кимё асосларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари, органик кимёни ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситаларидан фойдаланишини республикамиз олимларидан Н.Ф.Раҳматуллаев, Ҳ.Т.Омонов, Ш.М.Миркомилоилар томонидан, чет эл олимларидан эса О.С.Габриелян, Ф.Г.Манн, Б.Ч.Саундерс, М.С.Паклар томонидан ўрганилган.

Кимё ўқитиш методикасига оид дастлабки илмий ғоя ва қарашлар XVIIIасрга келиб пайдо бўлган. Рус олими М.В.Ломоносов кимёвий билимларни эгаллашда кимёвий тажрибалардан фойдаланиш муҳим эканлигини таъкидлайди. М.В.Ломоносов кимё дидактикасини методология, назария ва тажрибаларнинг йигиндисидан иборат бўлган фан сифатида илк бора таърифлади. У кимё тарихида илмий кимёнинг асосчиси ва биринчи уни фан сифатида ўқитган ўқитувчи сифатида қолади. У 1748-йили илк илмий-ўқув кимё лабораториясини ташкил қиласди. Шу лабораторияда у талабалар учун физик-кимёдан маъruzалар ўқиди, “Асл физик-кимёга кириш” номли асарини ёзди. Ушбу китобда ва олимнинг кўплаб бошқа асарларида кимё дидактикаси ҳақидаги фикрлари ва қарашлари келтирилган. Ломоносовнинг фикрича ўқитиш жараёнида ютуққа эришишнинг биринчи омили – бу сўзни

түғри қўллай олишдир. Ўқитишида муваффақиятга эришиш учун дарсда турли овоз интонацияларидан фойдаланишни, ўз сўзларига мутаносиб ҳолда тана қисмларини ҳаракатлантириш кераклигини айтиб ўтади. Унинг фикрича асосий маълумотни қисқа ва лўнда тушунтириш, сўнг албатта, дафтарга ёздириш керак. Замонавий кимё фани ва унинг бўлимларини ўқитиши жараёнига қуидаги россиялик методист - олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар: В.Н.Верховский, П.П.Лебедева, Л.М.Сморгонский, Я.Л.Голдфарб, Ю.Б.Ходаков, С.Г.Шаповаленко, Л.А.Светкова, И.Н.Черткова, В.С.Полосина, В.П.Гаркунова, из Н.Е.Кузнецова, Д.М.Кирюшкина, Г.И.Шелинский, М.С.Пак, О.С.Габриелян ва бошқалар. Ушбу методист олимлар ўқув-методик материаллар комплекслари, ўқув дарсликлари, машқ дафтарлари ва бошқаларни тузишида кўп меҳнат қилганлар. П.А.Оржековскийнинг фикрича: “Ривожланиш-фаол ва онгли фаолият натижасида пайдо бўладиган қабул қилиш, фикрлаш, тасаввур қилиш, хотира каби шахснинг билиш жараёнининг ижобий ўзгаришларидир.” "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 1 288 [www.openscience](http://www.openscience)

Кимё фани унинг бўлимларини ўқитиши методикасининг Ўзбекистонда ўрганиши жараёнини таҳлил қиласр эканмиз, 1990-2012-йиллар давомида профессор Ҳ.Т.Омонов кимё фанини ўқитиши методикаси соҳасини ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Қолаверса, Ўзбекистонлик олимлардан А.Мамажонов, Ж.Фаёзов, Т.Гулбоев, F.Боймуродов, М.Умаров, А.Азимов, Ш.Кувватов, Ж.Мамажонов, Ф.Алимова ва Л.Зайлобовлар кимё фанини ўқитишини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотларни олиб борганлар

## 2. Кимё фанларини ўқитишида замонавий ёндошувлар таснифи.

Ўқитувчининг педагогик қобилиятини таҳлил қиласр Н.В. Кузьмина шундай ёзади: "Таълим - тарбияда рўй берадиган кўпгина камчиликлар ўқитувчи ўз педагогик қобилиятининг амалий йўналишларини яхши билмаслиги, истеъоддининг ўқитувчида йўқлиги натижасида рўй беради Махсус қобилиятга эга бўлган ўқитувчилар фақат ўзлари эгаллаган касбий йўналишлари бўйича муайян фаолият билан муваффақиятли шуғулланадилар. А.Холиков. П е д а г о г и к м а х о р а т .

Анъанавий таълим бериш тизимида ўқув материалини тузиб чиқишнинг бирлиги“мавзу” ҳисобланади. Талаба учун ўқув материалининг ҳақиқий бирлиги бўлиб, ўқувмашғулоти хизмат қиласи, мавзу эса уни ўрганишнинг ўқитувчи томонидан эълонқилинадиган фақат номланишидир. Шу боис, талabalар алоҳида ўқув бирликлари ўртасидаги алоқа ва ўзаро алоқанианик англамасдан мавзуни ўрганадилар: бу ерда ўқув материалини “бўлаклаб-мазувий” ўрганиш хусусияти кўриниб турибди. Ҳозирги вақтда ўқув материалини тузилмага солиши модул асосида амалгаоширилмоқда. Бу ҳам талабада бирданига ҳаракатнинг тўлиқ йўналишини, яъни барчақисмлар (ўқув ёки модул бирликлар) ўртасидаги алоқаларни аниқлаш улар томониданберилган ўқув материали чегарасида БМК изчилликда эгаллаш

дегани әмас. Ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантиришнинг психологияк назариясига мувофиқ, бу муаммо ўқитиш тузилмасига қизиқтирувчи босқични киритиш орқали ҳал этиш мумкин. Унинг вазифаси - таълим олувчиларда кутилаётган ўқув материалини эгаллаш учун қизиқиши (бизнинг ҳолатда-ўқув фани/курс) таъминлаш, модомики ҳаракатнинг тўлиқ йўналиши ўқув материалини барча ташкил этувчилари ўртасидаги алоқани аниқлаши мумкин.

*Кимё фани ҳар кунги яшаши тарзимиздаги кўплаб асосий жсхатлар келажакда бизга яширин аммо юзага чиқиши мумкин бўлган ва кўплаб хаёлга келмаган хulosаларни юзага чиқиши билан ҳам мухимdir. Кимё фани имкониятларимизни ақл –идроқимизни англашда ва тушуниб етишимизга ёрдам беради. Бу оламда яшаши қандай билимлар асосида ривожланади, кундалик хаётнинг кўплаб муаммоларида бизнинг шахсий фаолиятимизда қандай қарорлар қабул қилинади.*

*Масалан: Таом қачон ўзгаради қачонки уни пиширганимизда, қайси тозаловчи воситани қайси мақсадда тозалаши учун танлаймиз, қандай материаллардан ишлаб чиқарилган ва уларни хусусиятлари турлича, биз уларни қандай қилиб ишлата оламиз, тиббиёт вазифасида, витаминалар ва дори-дармонлар ёки потенционал тушунганимизда замонавий кимё фанини технологик ишлаб чиқариши билан алоқадорлигини тушуниб етамиз.<sup>1</sup>*



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта мұхим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимлари дидир. Бу борада таълим олиш, маънавий маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган мұхитни яратиш зарур” – деб айтган фикрлари аҳамият касб Ўзбекистон Республикасида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, ҳамда уни ривожланган давлатлар даражасига кўтаришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида катта эътибор берибекелинмоқда. Ҳозирги кунда узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими ҳар қандай давлатни замон талабларига ҳамоҳанг равишда инновацион ривожланишида ҳал қилувчи ва мұхим омилга айланғанлиги ҳаммага маълум. Ҳозирги кундаги илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “....ўқув-тарбиявий

<sup>1</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.1page

жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” таъкидланиб, узлуксиз таълим сифатини ошириш ва такомиллаштиришнинг босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланган эди.



Жамиятимиз асосий талабарини бошқариида шунингдек яшашиимизда кимёга оид мавзулар ахамиятлидир. Мисол учун: құвват манбаларида энергия ресурсларидан фойдаланганда, озиқ-овқат, соглиқни сақлауда етарлича кафолат берши, ичимлик сувини етказиб чиқарған соҳаларда жавобгарлықни ҳис қилиш керак. Аниқрөзи, бундай ривожланишилар барча яшаётган фуқароларга замонавий жамиятда таъсири муҳимдир. Натижада улар бундай бағылар масала келишмовчилек сабабини танқидий акс эттирадилар. Жамиятга алоқадор музокараларда ҳисса құшадилар ва муҳим илмий асосларни ҳал этадилар. Бундай мұлоҳазалар ва қарорлар биз яшаётган ва ишиләётган жамият даврида шахслар ёки гурухлар исхіда бажарилади. Шунингдек, кимё фаны күплас мавқеи имкониятларни тақдым этади.<sup>2</sup>

Маълумки, кимё үқув фанлари асослари билимларини ўзлаштириб олишнинг методлари ва технологияларини ўргатади. Ҳар қандай фанни ўқитишининг таълимий масалалари билан биргаликда жамиятнинг, ривожлантиришда муҳим ахамиятта эга бўлган тарбиявий масалалари ҳам мавжуддир. Айниқса, кимё ўқитищда тарбиянинг ҳамма турларини талабалар онгода мувофақият билан шакллантириш мумкин.

Биз кимёни ўқитишда биринчи амалиётга савол-жавобни киритдик, кейин кимё ўқитишининг бошқа структураларини ишлаб чиқа бошладик<sup>3</sup>.

Кимё ўқитишининг асосий вазифалардан яна бири кимё асосларини ўрганиб бориш жараённанда талабаларнинг билимларини ривожлантириб бориш ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рӯёбга чиқариш босқичларида таълим муассасалари ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланди, таълим соҳасини ислоҳ қилиш учун зарур бўлган моддий техника базаси яратилди. Таълимни ислоҳ қилишнинг замонавий вазифасига-фаол педагогик технологияларни жорий қилиб үқув-тарбия жараённини амалга оширишдир. Шунинг учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кимё ўқитиши методикаси фанининг назарий ва амалий асоси қилиб олинди. Муҳим кашфиётларни амалга оширишда, фан олдига қўйилган муаммони тез ҳал қилишда, ишни бажариш методикаси алоҳида муҳим роль ййнайди. Тўғри, метод билан бажарилган илмий текширишлар олимларни буюк кашфиётларга

<sup>2</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.1page

<sup>3</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.50 page

олиб келган. Масалан, спекрал анализ методининг кашф этилиши табиатдаги күп элементларни кашф қилишига олиб келди. Электрокимёвий текшириш методларининг яратилиши фан ва саноатдаги мұхим мұоммаларни тез ҳал қилиш имкониятини туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллігига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ўзига хос йўлини танлашни кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг жорий этишни (1992й); янги ўкув режалари, дастурлари, дарслекларини жорий этишни замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиши ва янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этади. Кадрлар тайёрлаш аввалги тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўкув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг этишмаслиги, сифатли ўкув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги жиддий камчиликлар қаторига киради.

Олий мактабда таълим фан/курснинг қизиқтирувчи босқичи кириш маъruzasihisoblanadi. Унинг мақсади-ўкув фани курси тўғрисида биринчи умумий тасаввурнибериш ва талабалрни иш жараёнида, олдиндаги ўкув фаолияти натижаларига ва уларниназорат тизими ва баҳолашига йўналтириш хисобланади.

*Педагогик вазифалар қўйидагилардан иборат:*

- талабаларни фан/курснинг аҳамияти, вазифаси ва унинг ўрни, ўкув фанлартизимида ҳамда касбий тайёргарлигидаги ўрни билан танишириш;
- тузилмага қисқача шарҳ бериш, фанни ва амалиёт ривожланишини, бунда

машҳур олимларнинг номини айтиб, бу соҳадаги эришилган ютуқларни ёритибberиш;

- ушбу билимлар соҳасидаги тадқиқот истиқболлари йўналишларини баён этиш;
- фан/курс доирасида услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини ёритиш;

тавсия этилаётган ўкув - услубий адабиётлар таҳлилини амалга ошириш;

- ҳисобот/баҳолаш шакллари ва вақтни аниклаш.

*Кимё фани таълими соҳасида талабаларга оид ишларга нисбатан келажакда раҳбарлик қилиши имкониятини беради.*



Бироқ, кимё саноати чегараланмаган ва кимё фани ана шундай мавқеи имкониятларни таъминлаб туради. Кимё деярли барча илм-фан шунингдек, биология, археология, геология, хомаше соҳаси, мұхандислик, атроф-мұхит, тиббиёт соҳаларни әгаллашаңда зарур фандир.

Талабалар кимё фанининг истаган соҳасида мавқе топадилар ва разбатланадилар. Бу фан эришилган касб мұхандислик соҳалардагина әмас балки ҳуқуқ фани, иқтисодиёт ёки савдо-сотиқ күпинча кимёдан даромад оладиган ва унга боғлиқ бўлган экология, иқтисодиёт ёки жамият учун мұхимдир.

Қўшимча қилганда кимё фани олий ўқув даргоҳларида, таълим соҳаларида яхши фойда келтиради.<sup>4</sup>

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрлар тайёрлаш жараённига етарли даражада қўшилганликлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш вазифалари белгилаб олинмаган. Талабаларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда.

Мазкур дастурнинг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юқсан маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мұхитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

<sup>4</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.1page

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва мағкуравий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рӯёбга чиқарилади.

### **3. Замонавий кимё дарсига бўлган талаблар, метод ва воситалар.**

Олий ўқув юртида ташкил этиладиган таълим тарбия жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабаларнинг ўқув билиш фаолияти мақсадга мувофиқ ўзаро узвий ташкил этилиши даражаси кўрсаткичи самарадорлик кўрсаткичи саналади.

Олий ўқув юртида олиб бориладиган таълим тарбия жараёни яхлит тизим ҳолида тасаввур қилиш зарур.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, олий ўқув юртидаги таълим тарбия жараёнини ташкил этишнинг барча шакллари мазкур таълим муассасаси олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмаларни бажаришга хизмат қилиши лозим.

Машғулотлардаги ўқитувчининг фаолияти педагогик фаолияти саналиб, мазкур фаолият таълим мазмунини талабалар онгига етказишга қаратилган ва мазкур мазмундан келиб чиқиб ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи томонидан тавсия этилган таълим мазмунини ўрганишга замин тайёрлайдиган талабаларнинг фаолияти уларнинг ўқув билиш фаолияти саналади.

*Кимё фанини ривожланишида кўплаб умумий маҳоратлар талаб қилинади; масалан, муаммоларни ҳал қилишида, намуналарни ифодалашида, атроф-муҳитга хавф-хатар таҳдиид солганида ёки жамиятнинг юксалиб боришига қандайдир ҳисса қўшишини тушуниб етамиз.*



Бир қанча бундай маҳоратлар илм-фанинг бошқа жиҳатлари билан ўхшаши бўлсада, фанинг барча тарафи кимё фанида гайритабиийдир. Имкон қадар талабаларни кимё фанидан яхши ўқишишимиз ва қатъий асосла бериишимизга тўғри келади. Келажакда талабалар ўзларининг эришилган касбига нисбатан чегараланмаган

фаолиятларини режсалаштириши бошлашлари мүмкін.<sup>5</sup>

Олий ўқув юртінің мақсади ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмуні сараланади, у ўқув курслари бүйіча намунавий ўқув дастурида ўз ифодасини топади. Ўқув дастуридаги мазмуннинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўқув фанлари бүйіча ДТС белгиланади. Шу тариқа тайёрланадиган кадрнинг ўзлаштириши лозим бўлган таълим мазмуни белгиланади.

Дидактик адабиётларда олий ўқув юрти таълим мазмуни 4 таркибий қисмдан иборат бўлиши аниқланган:

1. Билимлар-ғоялар, назариялар, қонуниятлар, тушунчалар ва ҳ.к.
2. Фаолият усуллари-қўникма ва малакалар
3. Ижодий фаолият тажрибалари-мустақил ва ижодий, мантиқий, таҳлилий танқидий фикр юритиш кўникмалари;
4. Қадриятлар тизими;

Олий ўқув юртида ҳар бир ўқув курси бүйіча тузиладиган ўқув дастури ва унга мос ҳолда тайёрланадиган дарсликларда юқорида қайд этилган таълим мазмунининг таркибий қисмлари ўз ифодасини топиши лозим.

Аксари ҳолларда тайёрланган ўқув дастури ва дарсликларда юқорида қайд этилган таълим мазмунининг таркибий қисмларидан фақат билимлар ўз ифодасини топган, қолганлари эътибордан четда қолган.

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, таълим мазмунининг барча таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштирган дарсликларни тайёрлаш саналади.

*Кимё фанинig мұхимлиги барча талабаларга оламни англамоғида, жасамиятда илм-фан технологияларини етказиб беришга ҳисса қўшишини мұхокама қилишида эришилган имкониятларини энг яхши мақсадларда кенг тақдим этилади.<sup>6</sup>*

Кимё фанларни ўқитиш жараёнига тизимли ёндошув негизида таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини таъминлаш ётади ва таълим–тарбия жараёнининг мазкур таркибий қисмлари бир яхлит тизимни ҳосил қиласы.

Мазкур тизимли ёндошувни жадвал тарзидан қуйидагича ифодалаш мүмкін.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ

---

<sup>5</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.2page

<sup>6</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.2page

қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;
- педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;
- таълим олувчиларнинг тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маърифий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарурий талабларни белгилаб бурувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;
- ўкув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёнини дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ўрта маҳсус касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўкув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар)-Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиши.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига, шунингдек, талабаларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амлга оширилади.




Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)-тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларнинг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўкув-тарбия жараёни янги ўкув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

1жадвал

## Олий таълим муассасаларида олиб бориладиган таълим тарбия жараёнининг тизими



Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариш шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.


Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари икки гурухга ажратилади:

1. Аудиторияда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни шакллари, улар жумласига маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари киради.

2. Аудиториядан ташқари ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни шакллари, улар жумласига талабаларнинг мустақил таълими ва иши, курс иши, ўқув-дала ва педагогик амалиёт, битириув-малакавий ишлар мансуб бўлади.

Уларни жадвал тарзида қўйидагича ифодалаш мумкин.

Ўқитувчи дастлаб олий таълим муассасаси олдидағи давлат ва ижтимоий буюртма, ўқитиладиган курснинг бўлажак кадрларни тайёрлашдаги ўрнини эътиборга олган ҳолда таълим мазмунини намунавий ва ишчи дастур орқали таҳлил қиласи, аудитория ва аудиториядан ташқари ташкил этиладиган ўқув машғулотларини яхлит ҳолда режалаштиради.



Мазкур режа асосида ўзининг педагогик фаолиятини ташкил этади.

Юқорида қайд этилганидек, ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини ташкил этишда дастлаб:

- олий ўқув юрти олдидағи вазифалар;
- ўқитиладиган фаннинг мутахассисни тайёрлашдаги ўрни;
- таълим-тарбия жараёнига қўйиладиган замонавий талаблар;
- фани бўйича ўтказиладиган ўқитиш шаклларини ташкил этишга қўйиладиган талабларни узвий равишда тасаввур этиши зарур.

Юқорида қайд этилғанлар ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишида дастуруламал бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабдан ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг дидактик мақсадини ҳисобга олган ҳолда:

- Маъруза, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларда ўқитишининг самарали воситалари ва методларидан фойдаланиш;
- Таълим-тарбия узвийлигини таъминлаш, талабаларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принциплари ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш йўлларини белгилаш ва амалга ошириш;
- Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунни, воситалари, методлари ва шаклларини аниқлаш;
- Талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш йўлларини белгилаш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш, мазкур фаолиятни фаоллаштиришнинг самарали восита ва методларини, ўкув мотивларини ривожлантириш йўлларини аниқлаш;
- Ўқитища амалий масалаларга эътиборни қаратиш, талабаларда ўкув, амалий ва меҳнат, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмалари, атроф мұхитга онгли муносабатни таркиб топтириш, таълимнинг касбий йўналишини амалга ошириш:

*ўқитиши жараёнида тескари алоқани амалга ошириш, яъни талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириши даражасини рейтинг тизими орқали мунтазам назорат қилиши, олинган натижаларга мувофиқ ўқитиши жараёнига тегишли ўзгартиришлар киритиш каби муаммоларни ҳал этиши лозим.*

- талабаларни фаннинг назарий асослари ва билимлари билан қуроллантириши, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунни, воситалари, методлари ва шаклларини уйғун танлаш орқали таълим самарадорлигига эришишини назарда тутиши лозим.

*Ўрганилган маълумотларни талабалар ёдда сақлаши ва уни назорат қилиши учун ҳар бир мавзу якунида хulosса чиқарииш ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиши учун савол топшириқлар, машқ масалалар берилиши лозим<sup>7</sup>.*

- Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари йифиндиси ўкув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик мажмуани ташкил этади.
- Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:
  - Ўкув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти;

<sup>7</sup>Malcoln, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer. Science Education and CapacityBuilding for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development. 31 page

- Талабаларнинг ўқув ва билиш фаолияти.
- Олий таълимдаги ўқув жараёнининг асосий шаклларидан бири маъруза саналади, маърузада талабалар онгига етказилган назарий билимлар ва масалалар семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, талабаларнинг мустақил таҳсили орқали мустаҳкамланади, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экскурсия, экспедиция, ўқув-дала, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётда амалга қўлланилади, уларнинг натижалари курс иши ва битирув-малакавий ишларда ўз аксини топади.

*Кўп йиллардаги эришилган изланишлар, тажрибалар таълим соҳасида чин маънода ўқитувчи ва талабаларни ҳар босқичда кимё фанини чуқур ўқитишида, касбининг устаси бўлишида қўлланмоқда, натижалар талабалар томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Деярли барча маърузаларда ҳаётий ислоҳотлар жадаллик билан қабул қилинмоқа. Назарий билимлар базасини ўқитувчилар янги ҳолатда сақланган ҳолда талабаларга ривожланиб бораётган кимё фанига касбий ёндошган ҳолда атрофлича ўрганилиб келинмоқда.<sup>8</sup>*

### **Назорат саволлари:**

1. Республикаиз педагогика олий ўқув юртлари учун илмий педагогик кадрлар тайёрлаш қачондан бери ва қайси институтларда амалга оширилади?
2. Миллий дарсларнинг афзалликлари нималардан иборат эди?
3. Миллий дастурнинг мақсади ва вазифаларини баён этинг.
4. Таълим жараёнини дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини яратиш қайси босқичда амалга оширилди?
5. Миллий дастур вазифалари кимё таълимида қандай амалга оширилади?
6. Таълимни ислоҳ қилиш вазифаларини амалга оширишда ўқитувчининг маъсулияти нималардан иборат?
7. Юқори малакали кимё ўқитувчиларини тайёрлашда таълимни ислоҳ қилишнинг аҳамиятини асослаб беринг.
8. Кимё таълимида ўқитувчининг шахсияти қандай фазилатларга эга бўлиши керак.
9. Замонавий кимё ўқитувчисининг талабалар билан ишлашда қандай педагогик, психологик билимларга эга бўлиши керак.
10. Кимё таълимини амалга оширишда ўқитувчи қандай билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши керак?
11. Талим босқичларида кимё фанларини ўқитиш учун ўқитувчи қандай ўқув-методик мажмуаларнинг билимларини эгаллаган бўлиши керак?

---

<sup>8</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.3page

12. Дунё андозаларига жавоб берадиган кимёгар ўқитувчилар тайёрлаш учун қандай вазифаларни амалга ошириш керак?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.50 page

2. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer. Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development. 31 page

3. Integrating Green Chemistry and Green Engineering into the Revitalization of the Toxic Substances Control Act 2010.

**2-мавзу: Кимё ўқитувчиси фаолияти турлари ва илгор тажрибаларни эгаллашга оид ишлар, ўқитувчининг илмий методик иши.**

**Режа:**

1. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг дидактик функциялари.

2. Дидактик ўйинларнинг мазмуни ва моҳияти.

**Таянч иборалар:** Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш, технологияларнинг дидактик функциялари, дидактик ўйин технологиялари, сюжетли-ролли, тақдимот, ижодий ўйин, конференциялар, ўйин машқлар.

**1. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг дидактик функциялари**

Кимё ўқитишига қизиқувчи олимлар уни ривожлантиришини мақсад қилиб қўйдилар. 1989 йилда эришилган ютуқлар асосида АҚШ, Буюк Британия ва Германия таълим стандартларидан намуналар олинди.

Салоҳиятни долзарблигида кимё таълими барча учун ҳақиқий (талабалар қизиқиши бугунги кунга боғланган), маркибий ва келажаск компонентига эга бўлиши мумкин. (қайси талаба бундан хабардор бўлмаслиги мумкин)<sup>9</sup>

- **Шахс учун долзарблиги:** талабалар қизиқиш ва қизиқишли учрашув қилиши.

Бугунги кунда уларнинг кундалик ҳаётда осон бўлиши учун ва уларни керакли, фойдали қобилияtlари келажакда талабалар интеллектуал қобилиятини ривожлантириш ҳиссаси;

<sup>9</sup>(Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.6 page)

- **Келажакда қасб-хунар учун долзарбилиги:** бўлажак қасблар учун йўналишини таклиф, янада академик ёки қасб-хунар таълим, ёки расмий мансаб ошиши учун тайёргарлиги учун етарли курслар ва ютуқларга эга эҳтимолини (рухсат оширилмоқда) ҳоли ўрганиш;

- **Жамият учун долзарбилиги:** бир-бирига садоқат ва ўзаро тушуниши илм-фан ва жамият, ривожланаётган жамият иштирок этиши учун кўникмалар, ёки ваколати жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Шубҳасиз, бу муҳитда борадиган қизиқтирган бошқа нарса деган маънони англатади. Айниқса, профессионал ўлчов айрим қисмларига кўпинча идрок эмас вақтида тегишили бўлгани каби, кўплаб талабалар ёши ҳисобланади.<sup>10</sup>

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи дидактика фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, талабаларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий меъёрларга мос ҳулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши ва қулай ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Дидактикада ишлаб чиқилган ҳар қандай технология талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласи, лекин қўйидаги технологияларда мазкур масала асосий ғояни эгаллайди:

- Дидактик ўйин технологиялари.
- Муаммоли таълим технологиялари.
- Модулли таълим технологиялари.
- Ҳамкорликда ўқитиш технологияси.
- Лойиҳалаш технологияси.

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантиқий фикрлаш, ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, қасбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради.

Бироқ, педагогик технологияларнинг функцияларини таққослаганда бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

<sup>10</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers. 7 page)

Дидактик ўйинли технологиясида етакчи ўринларни таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, коммуникатив функциялар эгаллаб, қолган функциялар уларга илова бўлади.

Ишбилармон ва ролли (ҳолатли) ўйинлар муоммали топшириқнинг бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим олувчилар томонидан ўйналадиган саҳналаштирилган ҳаётий ҳолатлар ишлатилади.

Муаммоли таълим технологиясида ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ижодий фаолиятга йўллаш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш функциялари етакчи ўринни эгаллайди, қолган функциялар уларга гўёки бўйсунади. Шу аснода бошқа технологияларнинг ҳам дидактик функцияларини таҳлил этиш мумкин.

#### Педагогик технологияларнинг дидактик функциялари

Педагогик технологияларнинг функциялари	Дидактик ўйинли	Муаммоли таълим	Модули таълим	Ҳамкорликда ўқитиш	Лойиҳалаш
Таълим бериш	1	5	1	3	7
Ривожлантириш	2	4	2	4	8
Тарбиялаш	3	6	3	5	9
Ижодий фаолиятга йўллаш	8	3	6	6	1
Коммуникатив	4	9	4	1	6
Мантиқий фикрлашни ривожлантириш	6	2	7	7	5
Ақлий фаолият усулларини шакллантириш	7	1	8	8	4
Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш	10	7	10	9	3
Касбга йўллаш	11	10	11	10	2
Мўлжални тўғри олишга ўргатиш	5	8	9	11	11
Ҳамкорликни вужудга келтириш	9	11	5	2	10

Ўқитувчи машғулотда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва риовжлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина күзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

## 2. Дидактик ўйинларнинг мазмуни ва моҳияти

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли машғулот шаклида күлланилади. Ушбу машғулотларда талабаларнинг билим олиш жараёнини ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади. Шу сабабли, талабаларнинг билим олиш фаолияти, ўйин фаолияти билан уйғунлашган машғулотлар дидактик ўйинли машғулотлар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти қуйидаги функцияларни бажаради:

- Ўйин ҳар доим шахснинг маълум бир фаолиятга бўлган қизиқишини орттиради.
  - Ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши коммуникатив-мулоқот маданиятини эгаллашга ёрдам беради.
  - Шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши билимини ва ўзлигини намоён этишга имкон яратади.
  - Ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга, мўлжални тўғри олиш кўникмалари таркиб топади.
  - Ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади.
  - Шахс структурасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, яъни ижобий хислат ва фазилатларни шакллантиришга замин тайёрлайди.
  - Инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса ижтимоий, маънавий-маданий қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади.
  - Ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ўйин фаолияти ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

1. Ўйин иштирокчилари ролларни, вазифаларни танлаши натижасида эркин ривожлантирувчи фаолият, яъни талабаларнинг ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилиши, мақсадга мувофиқ натижага эришган ҳолларда ўз фаолиятидан кўнгли тўлиши, ўз билими ва кучига ишонч вужудга келади.

2. Ижодий мұхит таркиб топади. Ўйин иштирокчилари муаммоларни ҳал этишда тегишли ижодий ва мустақил фаолиятга эга бўладилар.

3. Ўйин давомида мусобақа, рақобат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келади. Шу аснода ҳис-ҳаяжонли вазият пайдо бўлади. Ҳис-ҳаяжонга йўғрилган билим, кўникмалар инсон хотирасида бир умр мұхрланиб қолади.

4. Ўйин давомида белгиланган қонун-қоидаларга амал қилинади. Ўйин иштирокчиларида ижтимоий нормаларга мос онгли интизом вужудга келишига замин тайёрлайди.

5. Ўйин мазмуни, бориши, мантиқий кетма-кетлиги, вақт баланси ва талабаларнинг муаммоли вазиятларни зудлик билан ҳал этиш, мүлжални түғри олишга ўргатади.

Бошқа ўқув ва меҳнат фаолияти каби ўйин фаолияти таркибига қуидагилар:

- а) ўйиннинг сюжети;
- б) ўйин иштирокчилари бажарадиган муайян роллар, вазифалар;
- в) ушбу ролларни амалга ошириш учун бажариладиган амаллар (усуллар);
- г) реал ёки шартли равищдаги ўйин воситаларидан фойдаланиш;
- д) ўйин иштирокчилари ўртасидаги муносабат, муроқот киради.

Талабаларнинг билиш фаолиятини ўйин фаолияти билан уйғун ҳолда ташкил этиш қуидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсадни аниқлаш,
- Дидактик ўйин сюжети ва иштирокчилар фаолиятини лойиҳалаш;
- Ўйиндан кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаш;
- Дидактик ўйинни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, унинг мазмуни, бориши, мантиқий кетма-кетлиги, вақт баланси ва талабаларнинг муаммоли вазиятларни зудлик билан ҳал этишига эътиборни қаратиш;
- Ўйин иштирокчиларини рағбатлантириш;
- Олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- Олинган натижаларга мувофиқ ҳолда ўйин структураси ва боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Ўйин усуллари ва дарс шаклидаги машғулотлар ҳолатларини амалга ошириш қуидаги асосий йўналишларда содир бўлади:

1. дидактик мақсад таълим олувчилар олдига вазифа кўринишида қўйилади;
2. ўқув фаолият ўйин қоидаларига бўйсунади;
3. ўқув материал ўйиннинг воситаси сифатида ишлатилади;
4. ўқув фаолиятга дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа бўлаги киритилади;
5. дидактик вазифани муваффақиятли бажариш ўйин натижалари билан боғланади.

*Ишбилармон ўйинни ролли ўйиндан фарқи нимада?*

Ишбилармон ўйин иштирокчиларига ҳаётий ҳолатда қурилган ўйинли сюжет таклиф қилинади, бунда иштирокчилар олдига ягона умумий мақсад: таклиф этилаётган муаммони ечиш қўйилади. Шу билан бир вақтда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши лозим. Шунинг учун ечимни ишлаб чиқиши жараённи алоҳидали-гурухли хусусиятга эга: ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифали мақсадига мувофиқ қарор қабул қиласи, ундан сўнгра эса уни гурух билан келишади. Алоҳида вазифали мақсадни бажарилиши бутун гурух қарор қабул қилиш натижаларига боғлиқ. Одатда, Ишбилармон ва ролли (ҳолатли) ўйинлар муоммали топшириқнинг

бир тури. Фақат бундай ҳолатда матнли материал ўрнига, таълим олувчилар томонидан ўйналадиган сахналаштирилған ҳәёттің ҳолатлар ишлатилади. ишбилармон ўйин давомидаги мұаоммони ечиш бир нечта босқичдабүләди (2 дан 10 гача вабир ўйин кўп).

### Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Дидактик ўйинли машғулотлар	Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади	Машғулотларнинг дидактик функциялари	Талабанинг фаолияти
Сюжетли-ролли	Фанинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
Ижодий ўйин	Аввал ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	Муаммоли вазиятларни аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш	Ижодий изланиш орқали янги мавзуни ўзлаштиради
Аукцион	Турли объектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўллаш	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлаштиради
Конференция	Фанинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш, ёшларни мустақил	“олимлар” мақомини олиб муайян мавзуларда изланиш олиб боради.

	амалга ошириш имконияти бўлганда	ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш	“олим” ва “мухбир” лар мақомини олиб мавзуни ўзлаштиради

Ўқитувчи аввал талабаларни индивидуал, сўнгра гурухли ўйинларга тайёрлаши ва ўтказиши улар муваффақиятли чиққандан сўнг, оммавий ўйинларга тайёргарлик қўрилиши лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун керакли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши, бундан ташқари гурух жамоаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Кўйида дидактик ўйинли машғулотларнинг тавсифи берилмоқда.

### **Сюжетли - ролли ўйинлар**

Талабаларнинг ижодий фикрлаши, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар мухим рол ўйнайди.

Ўқитувчилар сюжетли-ролли ўйинларни қўпчилик ҳолларда матбуот конференцияси билан алмаштириб юборишади. Ҳар иккала ўйиннинг таълим жараёнида қўлланишидан кўзланган мақсад бир-бирига монанд бўлсада, улар ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу ҳолни дидактикада дидактик ўйинларга етарлича тавсиф берилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг объектлари ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни талабаларнинг ўзларидаги билим заҳираларига таянган ҳолда, ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бунда ўйин сюжети жамиятдан ёки табиатдан олинади. Баъзан жамият ва табиатдаги муаммолар ўйғуллаштирилади.

### **Ижодий ўйинлар**

Талабаларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар мухим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни талабалар гурухининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма

ва малакаларни ижодий қўллаш ва изланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Ижодий ўйинлардан аввалги машғулотларда ўрганилган тушунчаларни янги мавзуни ўрганишда фойдаланиш имконияти вужудга келганда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур дидактик ўйинли машғулотларда ҳамма талабалар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса талабаларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади ва ҳар бир талаба сидқидилдан ҳамда жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англашган ҳолда билим олишга киришади.

### Конференция машғулотлари

Дидактик ўйинли машғулотлар ичида конференция машғулотлари мұхим ўрин тутади. Конференция машғулотлари талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништиришда, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, онгли равишда касб танлашида мұхим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция машғулотини ўтишдан аввал машғулот мавзусини, мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиб шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётларни кўздан кечиради. Илмий конференция машғулотини ўтказиш тавсия этилади.

### Ўйин машқлар

Таълим жараёнининг муваффақияти ўқитувчининг илмий-методик савиясига ва педагогик маҳоратининг юқори даражада бўлиши, замон билан ҳамнафаслиги, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқариш кўникмаларига боғлиқ бўлади. Ўқитишида бошқа дидактик ўйинлар билан бир қаторда ўйин машқлардан ўз ўринда ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўйин машқлар учун телевидение ва матбуот орқали бериб борилаётган ва талаба ёшларнинг энг қизиқ машғулотига айланган ўйинларни андоза қилиб олиш мумкин. Булар жумласига “Заковат”, “Зинама-зина” кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ўйинларда талабалар аввало ўз кучи ва билимларини синаб кўрадилар ва яна уларнинг аксарияти шу ўйинлар иштирокчиси бўлишни орзу қиласидилар.

Замон билан ҳамнафас ишлаётган ҳар бир ўқитувчи талабалардаги бу истак ва орзуларни амалга ошириш учун таълим жараёнида шунга ўхшаш ўйинларни ўз вақтида ўтказиши талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишлиарини ортириш ва билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайди. Маъруза машғулотида дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мұхим ўрин тутади. Ўқитишида бошқа педагогик технологиялар каби дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур технологиянинг конференция, тақдимот, ижодий ўйин, ўйин машқлардан

фойдаланиш юқори самара беради. Ушбу машғулотларда талабаларнинг билим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади, шу сабабли талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

**Дидактик ўйин технологиясининг тақдимот машғулотига асосланган маъruzани такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

<b>Ташкилий қисм</b>	<b>Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш</b>	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	<b>Якун ясаш ва хulosalaш</b>	<b>Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.</b>
Давоматни аниқлаш Атамалар варагидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларни нг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Бумеранг, Блиц-ўйин	1-гуруҳ Ишининг тақдимоти 2-гуруҳ Ишининг тақдимоти 3-гуруҳ Ишининг тақдимоти 4-гуруҳ Ишининг тақдимоти	Ҳар бир тақдимот якунида кичик гурухлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кластер Кичик гурухларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқлар ини тавофтутлаб бериш

**Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин машғулотига асосланган маъruzани такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

<b>Ташкилий қисм</b>	<b>Талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш</b>	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	<b>Якун ясаш ва хulosalaш</b>	<b>Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.</b>
Давоматни аниқлаш Атамалар варагидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларни нг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Бумеранг, Блиц-сўров	1-гуруҳ 2-гуруҳ 3-гуруҳ 4-гуруҳ Ижодий ишлари-ning тақди-моти	Ҳар бир тақдимот якунида кичик гурухлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кластер Кичик гурухларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқлари-ни тавофтутлаб бериш

Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин методидан фойдаланилган машғулотнинг савол-топшириқлари аввалги машғулотлардаги савол-топшириқлардан ижодий характердалиги билан фарқланади.

Ушбу маъруза туридан мавзу мазмунидаги муаммоларни талабаларнинг ижодий изланиши орқали ҳал этиш мумкин бўлганда фойдаланиш тавсия этилади.

Семинар машғулотида дидактик ўйин технологиясининг ўйин машқларидан фойдаланиш мақсадида ўқитувчи ўрганилган мавзу бўйича “Атамалар варағи”ни тузиши лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Дидактик ўйинли технологиянинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
2. Дидактик ўйинларнинг мазмуни ва моҳиятини тушунтиринг.
3. Дидактик ўйинли машғулотларга қўйиладиган талабларни аниқланг.
4. Таълим-тарбия жараённада фойдаланиладиган дидактик ўйин технологиясининг турларидан сюжетли-ролли ўйиннинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
5. Дидактик ўйинли технологиясининг турларидан ўйин машқларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.
2. Integrating Green Chemistry and Green Engineering into the Revitalization of the Toxic Substances Control Act 2010.
3. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and CapacityBuilding for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development
4. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.
5. Athanasios Valavanidis and Thomas Vlachogianni 2012. GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING From Theory to Practice for the Protection of the Environment and Sustainable Development
6. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. 48 бет
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.

### 3-мавзу: Масофадан ўқитиши технологияси. Таълим жараёнини ахборотлаштириш.

**Режа:**

1. Масофадан ўқитиштегі технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Таълим-тарбия жараёніда масофадан ўқитиши технологиясидан фойдаланиш.
3. Таълим жараёнини ахборотлаштириш.

**Таянч иборалар:** масофадан ўқитиши, масофадан ўқитиши дастури, талабаларнинг ўкув фаолияти, масофадан ўқитиши дастурини якунлаш, мультимедия, интернет, электрон почта, Web — технология, электрон виртуал кутубхона, масофадан туриб таълим бериш, тақдим этиш технологияси, виртуал синф (груп) ўқитишининг таъминоти, ўкув телекоммуникация лойиҳалари, тескари алоқа диалогик технология; компьютер алоқаси; телеконференция.

#### **1. Масофадан ўқитиши технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.**

*Кимё фанининг муҳимлиги барча талабаларга оламни англамоғида, жамиятда илм-фан технологияларини етказиб беришга ҳисса қўшишини муҳокама қилишида эришилган имкониятларини энг яхши мақсадларда кенг тақдим этилади.*

*Яқин йиллар ичидаги кимё фанини ўқитилиши илмий таълимнинг ўзига хос умумий ҳолатда дунёда ислоҳотларни ёйтишида кенг қўлланиб келинмоқда.<sup>11</sup>*

Мамлакатимиз таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганлиги кун сайин яққол қўриниб бормоқда. Турли таълим шакллари қатори айниқса, масофадан ўқитиши (МЎ) кенг қўлланилаётгатлиги ҳам қувончли ҳол. Ушбу услубнинг қўплаб афзаллик томонлари борлиги қўпчиликка аён. Барча олий ўкув юртларида масофадан ўқитиши техника ва технологиясини амалга ошириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Ахборот технологияларни ривожланиши масофадан ўқитиши ташкил этишга янгича ёндашувни тақозо этади. Масофадан ўқитиши ташкил этишини ҳозирги замон моделларининг асосида коммуникация ва тармоқ технологиялари ётади. Ушбу технологиялар ахборотдан фойдаланувчиларга кенг қамровли йўл очиб бериш билан бирга уларни муҳофаза этиш муаммосини келтириб чиқаради. Масофадан ўқитишида ўқитувчи билан тингловчининг орасида тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўқлиги ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, муаммоли ўқитиши жараёнини ташкил этишда маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Тингловчини етук мутахассис қилиб тайёрлашда муаммоли ўқитиши ташкил этиш мулоқотни телеконференсия орқали амалга ошириш мумкин. Аммо, бу билан муаммони

<sup>11</sup>(Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.2 page)

тұла ҳал этиб бўлмайди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун қўшимча ўқув материалларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Булар қаторида турли даражадаги муаммоли топшириқлар, муаммоли вазият ҳосил қилувчи кўрсатмалар ва ҳоказолар бўлиши мақсадга мувофиқ. Масофадан ўқитишида ўқитувчи билан тингловчининг орасида тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўқлиги ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, муаммоли ўқитиши жараёнини ташкил этишида маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Тингловчини етук мутахассис қилиб тайёрлашда муаммоли ўқитиши ташкил этиши мулоқотни телеконференсия орқали амалга ошириш умкин. Аммо, бу билан муаммони тұла ҳал этиб бўлмайди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун қўшимча ўқув материалларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Булар қаторида турли даражадаги муаммоли топшириқлар, муаммоли вазият ҳосил қилувчи кўрсатмалар ва ҳоказолар бўлиши мақсадга мувофиқ.

### **Назария асоси**

*Илм фанга асосланган билимлар мажмуасини самарасини тезлигини оширишида кўплаб ўқув дастур таркибиغا эга бўлиб келинмоқда.*

*Натижалар юқори мазмунга аҳамият бериб, ўқув дастур мажмуаси тез-тез алоҳида фан бўлиб, ўзининг илмий асосларини келиб чиқишини ажратмоқда.*

*(ЖОН ГИЛБЕРТ 2016 й.958 бет)<sup>12</sup>*

Ушбу вазифаларни анъанавий таълим технологиясидан фойдаланилган ҳолда ҳал этиб бўлмайди, шу сабабли таълим-тарбия жараёнига масофовий таълим технологиясини қўллаш зарурати вужудга келди.

## **2. Таълим-тарбия жараёнидан масофадан ўқитиши технологиясидан фойдаланиш.**

Хозирги замон талабига тўлиқ жавоб берадиган мутахассисни тайёрлаш бу — давр талабидир. Хозирги вақтда республикамизда ёш авлодни тарбиялаш, ўқитиши, билим бериш, замонавий ахборот технологияларга яқиндан ёндашиш ҳамда янги техника ва технологиялар билан ишлашни ўргатиш мақсадида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Улардан асосийси, «Масофадан ўқитиши техника ва технологияси»дир. Шу нуқтаи назардан ёш авлодни масофадан ўқитиши тизимиға тайёрлаш босқичларини куйидаги кўринишда амалга ошириш мумкин:

---

<sup>12</sup>(Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.4 page)



Ҳозирги ахборот технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда масофавий ўқитиши катта аҳамият касб этмоқда. Чунки таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ўзининг айrim ижобий томонлари билан ажралиб туради. МЎ нинг кундузги ва бошқа таълим турларидан фарқли жиҳати шундаки, мазкур таълим турига жуда кенг аҳоли оммасини жалб қилиш мумкин. МЎ ўзида кундузги ва сиртқи таълим турларининг ижобий хусусиятларини мужассам этади. Шу жиҳатларига кўра МЎ ҳозирги кундаги истиқболли таълим турларидан бири ҳисобланади.

МЎ асосида таълим бериш учун ўқиш истагида бўлган аҳолининг муайян қисмини таълим муассасаси жойлашган ерга йиғиш шарт эмас. Иккинчидан, тингловчи ёки талаба томонидан ортиқча сарф — харажат қилиш зарурати бўлмайди. Учинчидан, бу таълим турига жалб қилинувчиларнинг ёш чекланишларини истисно қилиш мумкин.

МЎ га жалб қилинувчи контингентни қуйидаги ижтимоий гурӯхларга мансуб бўлган шахслар ташкил қилиши мумкин:

- иккинчи олий ёки қўшимча маълумот олиш, малака ошириш ва қайта тайёргарлик ўташ истагида бўлганлар;
- минтақавий ҳокимият ва бошқарув раҳбарлари;
- анъанавий таълим тизимининг имкониятлари чекланганлиги сабабли маълумот олаолмаган ёшлар;
- ўз маълумот мақомини замонавий талаблар даражасига қўтариш истагида бўлган фирма ва корхоналар ходимлари;
- иккинчи параллел маълумот олишни хоҳлаган тингловчилар;
- марказдан узоқда, кам ўзлаштирилган минтақалар аҳолиси;
- эркин кўчиб юриши чекланган шахслар;
- жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар;
- ҳарбий хизматда бўлган шахслар ва бошқалар

### **3. Замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли.**

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли мухим аҳамият касб этиши ҳаммага аёндир. Замонавий ахборот технологияларига: мултимедия, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш, компьютерли тест назорати, сканер технологияси, интернет, электрон почта, Web — технология, электрон виртуал кутубхона, масофадан туриб

таълим бериш, тақдим этиш технологияси, сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киради.

Таълим тизими учун ахборотлаштириш жараёни — етук баркамол шахсларни жадал ривожланиб бораётган, ахборотлашган жамият шароитларига ва келажак ҳаётга тайёрлаш, таълим мазмуни, ўқитиши методлари ҳамда таълим шаклларини ўзгартыриш, ўсіб келаётган авлодда ўз ҳаётини муваффакиятли ва мустақил қуриш күнікма ҳамда малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

**Таълим тизимини ахборотлаштириш — бу ҳаётдан янги усулларни излаш жараёнидир.**

Таълим тизимини ахборотлаштириш бу бутун таълим жараёнини самарали ташкил этишдир. Бунда асосан фаннинг сүнгги ютуқларига таянган ҳолда ҳар бир талаба ва умумий жамоанинг ўзлаштирганлик фаолияти натижалари, таълим жараёнига ахборот технологияларини самарали татбик этиш даражаси аникланади

Таълим тизимини ахборотлаштириш — бу компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш, таълимда янги сифат күрсаткичига эришишдир. Бунинг учун таълим жараёнида ахборот-коммуникатсия технологияларидан кенг фойдаланишда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва методик қўллаб-қувватлаш зарур.

Маълумки, ҳозирги даврда инсонга медиа-технологияларнинг таъсири кун сайин ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ҳолат, айниқса, китоб ўқишига нисбатан телевизорни қизиқиб томоша қиласиган болаларга кучли таъсир этмоқда.

Янги ахборотларнинг катта оқими, рекламалар, телевидениеда компьютер технологияларидан кенг фойдаланилиши, компьютер ўйинлари, электрон ўйинчоқлар ва оиласда мустаҳкам ўринни эгаллаб бораётган ком-пьютерлар бола тарбияси ҳамда атрофдаги оламни англаб боришига катталардан алоҳида эътиборни талаб этмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, бола вояга етгани сайин унинг севимли амалий фаолиятининг мазмуни ўзгариб боради — ўйинлари, севимли қаҳрамонлари ва қизиқишлиари ҳам ўзгаради. Талаба илгари ахборотни дарслик, адабиётлар, дарс жараёнида ўқитувчи маърузаси ва радио ҳамда телевидение орқали олган бўлса, эндиликда бунга ахборот технологиялари, Интернет тармоғи ҳам кўшилди.

#### **4. Компьютердан фойдаланиб, дарс ўтиш технологияси.**

Хозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (педагогик ва замонавий ахборот технологиялари) дан фойдаланиб, таълим самарадорлигини оширишга бўлган қизиқишиш, эътибор кундан – кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланган машғулотлар таълим олувчилар эгаллаган билимларини ўzlари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хulosаларни ҳам ўzlари

келтириб чиқаришларига йўналтирилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шубилан бир қаторда бошқарувчанлик, йўналтирувчанлик вазифасини бажаради. Бундай ўкув жараёнида таълим олувчи асосий фигурага айланади.

Бугунги кунда XXI аср ахборот технологиялари асидир. Жамиятнинг турли соҳаларида замонавий технологиялар таъсири яққол сезилади. Ҳар бир соҳада замонавий технологиялар инсоният меҳнатини енгиллаштириш учун хизмат қилиб келмоқда. Масалан, бугалтерия, муҳандислик, тилшунослик ва бошқа яна қўплаб соҳаларда замонавий технологиялардан кенг равишда фойдаланилаётган.

Компьютердан фойдаланиб, дарс ўтишнинг барча босқичларида:

- дарсга тайёр гарлик ва таълим жараёнида;
- янги материални тушунтириш;
- мустаҳкамлаш;
- такрорлаш;
- назорат қилишда АҚТ воситалари кенг қўлланилиши мумкин.

Бунда компьютер қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1. Компьютер ўқитувчи функциясида:

- ўқув ахборотлари манбаи;
- кўргазмалилик;
- тренажёр;
- ташҳис ва назорат воситаси.

2. Иш қуроли функцияси:

- матнлар тайёрлаш воситаси,
- уларнинг сақланиши;
- график муҳаррир;
- дарсга тайёр гарлик кўриш ва жавоб беришга тайёрланишда фойдаланишидан иборат.

Педагог, ўқитувчилар фаолиятида ҳам замонавий технологиялар катта ўрин эгаллайди. Замонавий ахборот технологиялари ўқитувчи фаолиятини қуйидаги жараёнларни енгиллаштиришга ёрдам беради:

- Турли ҳил хужжат ишларини ютишда (режалаштириш, мавзуу конспекти, хисобот ва ҳ.к.);

- Ўқитувчи компьютер технологияси ёрдамида турли дидактик воситалар яратишимиониятига эга;

- Мультимедия воситалари, электрон доска, проектор ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;

- Ўқитувчи дарс ўтишга ижодий ёндашилиб, талаба мустақил фикрлашга ўрганиди;

- Ўзи мустақил электрон тестлар ва бошқа назорат ишларини тайёрлаши мумкин;

- Ўқитувчи Интернет ва web – технологиялардан фойдаланишни мустақил ўрганиши мумкин.

Бугунги кунда ўқитувчи ўз фаолияти давомида замонавий компьютер технологияларидан қўйидаги жараёнларда фойдаланиши мақсадга мувофиқ:

- Янги мавзуни тушунтиришда:
- презентация,
- Интернет ресурслар.

Кўникма ва малакаларни текшириш жараёнида:

- Ўргатувчи дастурлар, мавзуга мос компьютер ўйинлари;
- компьютер тренажёрлари;

- Талабалар билимини билимни текшириш жараёниди:

- компьютер тестлари (очик, ёпиқ);

Талабаларни мустақил изланиши вақтида:

- энциклопедиялар;
- лугатлар;
- маълумотномалар;
- электрон китоблар.

Талабаларни илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштиришда:

- виртуал лабораториялар;
- Интернет.

## **5. Виртуал лабораториянинг таълим соҳасидаги аҳамияти.**

Ўқув виртуал лаборатория - бу якунланган дастурли маҳсулот бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти автоматлаштирилган ҳамда лойиҳалаштириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган катта дастурли тизимларни лойиҳалаштиришнинг замонавий концепсияларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Методологик жиҳатдан виртуал лабораторияларни сунъий интеллект тизимларида қабул қилинган жараён, декларатив ва гибрид тизимлари турларига асосланган билим бериш, тасаввур моделларидан келиб чиқиб, гурухлаш мумкин. Виртуал ўқув лабораториядаги амалий жараён асосини амалий дастурлар ўқув пакети ёки уларнинг саноат аналоглари ташкил этади. Уларни яратишида асосий эътибор одатда математик моделлаш, ўрганилаётган жараён ёки объектлар оптималлаштириш ва ҳисоб ишларига қаратилади. Амалий дастурлар пакети билан ўқув ишларида талабалар маҳсус мутахассислик малакаларига эга бўлишлари керак, кўпчилик ҳолларда улар ҳали малакаларга эга бўлмайдилар. Бунда қўйидаги тамойилларга асосланган маҳсус дидактик интерфейс, сценарийли схемалар ёрдам бериши мумкин:

- ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш учун мусобақалашиш вазиятларини яратиш;
- талабаларнинг билиш фаолиятини сиклик, ёпиқ бошқаришни ташкил этиш;
- қизиқарли намунавий ёки ўргатувчи масала ёки масалалар тўпламини танлаш.

Бу тамойилларни амалга ошириш тажрибаси уларнинг юқори дидактик самарасини кўрсатади.

Техник маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда техник обектлар лойиҳасини ўрганиш бўйича лаборатория ишлари катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда махсус ўқув хоналари яратиляпти. Аммо уларни яратиш узоқ вақтни, жиҳозлаш ва таркиби эса -катта моддий ресурсларни талаб қиласди. Таълим жараёнида виртуал хоналардан фойдаланиш ҳақиқий ўқув хоналаридан фойдаланишни бутунлай четлаштирмайди. Лекин, бундай машғулотларнинг электрон қўриниши қўйидагиларга имкон беради:

- талабаларнинг ўқув ишларида фаолликлари ва мустақилликларини оширади;
- ўқув материалининг мултимедиа қўринишидалиги билан уни қабул қилишни осонлаштиради;
- ҳар бир талабанинг материални ўзлаштириши бўйича тўлиқ назоратни таъминлайди;
- имтиҳон ва рейтинг назоратлари тайёрланишда такрорлаш ва тренинг жараёнини осонлаштиради;

Виртуал лаборатория ўқув мултимедиа мажмуаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Билиш фаолиятининг асосий босқичларига қўйидагилар:

1. Танишув, қабул қилиш: методик тавсиялар, босма қўлланмалар.
2. Англаш, мустаҳкамлаш ва билимларни текшириш: электрон ўқув қўлланмалар, тест тизимлари, виртуал ўқув хоналари.
3. Касбий йўналган кўникма ва малакаларни шакллантириш, интуицияни ривожлантириш: математик ёки иммитацион моделлаш, тренажерлар ва бошқа ўқув тизимлари.
4. Лойиҳа тадқиқотчилик ўқув фаолияти: ўқув ёки ишлаб чиқариш қўшимча дастур пакетлари киради.

Виртуал лабораторияда ўқитувчи томонидан дартурга киритилган маълум бир топшириқни малумотларни хамма лабораторияда бир хил эшитади лекин топшириқларни хар хил шаклда олади ва бажаради.

## ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯ АФЗАЛЛИКЛАРИ

1. Ўқитувчини вақтини тежайди. Маълумотлар бир хилда берилади.
2. Хар бир талаба ўзи мустақил ўқитувчи билан бажарган топшириғи бўйича мулоқот қилиш имкониятига эга.
3. Имконият даражасида талабалар билим олиш даражасига эга бўлади.
4. Баҳоланиш ҳаққоний амалга оширилади.

Масофавий таълимнинг асосий технологияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

### ИНТЕРАКТИВ технологиялар:

- Интернет масофавий таълим портали.
- Видео ва аудио конференциялар.
- Электрон почта орқали таълим.
- Интернет орқали мустақил таълим олиш.
- Узоқдан бошқариш системалар.
- Онлайн симулятор ва ўқув дастурлар.

- Тест топшириш системалари.

#### **ИНТЕРАКТИВ бўлмаган технологиялар:**

- Видео, аудио ва босмага чиқарилган материаллар.
- Телевизион ва радио кўрсатувлар.
- Дискларда жойлашган дастурлар.

**Видео ва аудио конференциялар** - бу Интернет ва бошқа телекоммуникацион алоқа каналлари ёрдамида иккита, узоклашган аудиторияларни телекоммуникационхолатда бир бири билан боғлаб таълим олиш йўли. Видео ва аудио конференцияларучун катта хажмда маҳсус техника, юқори тезликга эга бўлган аълоқа канали ва ўқитишини ташкил қилиш учун хизмат кўрсатувчи мутахассисларни жалб этиш керакбўлади.

**Интернет орқали мустакил таълим олиш** - бу Интернетда жойлашган кўпгинасайтларда жойлашган катта хажмдаги маълумотлар устидан мустакил равишда ишлашва янги билимлар олиш йўли.

**Электрон почта орқали таълим** эса энг оммавий Интернет хизматларидан фойдаланиб, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида хатлар орқали мулоқот ўрнатиб таълим олишийўли. У ёрдамида хар хил тест, вазифа, савол-жавоб ва кўрсатмаларни (матн, графика, мультимедия, дастурлар ва бошқа куринишида) жўнатаб қабул қилишимиз мумкин.

**Узокдан бошқариш системалар** - мураккаб дастур, система ва ускуналарни реал холатда бошқариш ва уларда ишлаш имкониятларини яратувчи маҳсус системалар ёрдамида билим олиш йўли. Узокдан бошқариш системаларнинг асосий вазифаси ўқувчига фақатгина амалий билимларни берниш.

**Симулятор, электрон дарсликлар ва ўқув дастурлар** - бу асосан назарий ва амалий билимларни компьютер дастурлари орқали ўқувчиларга офф-лайн холатида олиш йўли. Симулятор ва электрон дарсликлар хозирги кунда таълим соҳасида жудакенг қўлланиляпти.

**Тест топшириш системалар** - бу маҳсус дастурлар ёрдамида ўқувчиларнинг амалий ва назарий билимларни текширишнинг асосий вазифаси бу талабалар билимларни текшириб уларни баҳолаш.

**Интернетнинг масофавий таълим портали** бу маҳсус Интернет сайтлар (онлайн ресурслар). Уш бу сайтларнинг асосий вазифаси - таълим жараёнини ташкил қилиш, ёки бошқа сўзлар билан ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида электрон он-лайн мулоқотни ўрнатиш, ўқитувчиларга ўқув материалларни жойлаштириш ва ўқувчиларга маълумотлар билан ишлашга хамда бошқа масофавий таълим сервислардан фойдаланишга имконият яратиш.

Масофавий таълимни жараёнида қуйидагилар қатнашиши шарт, булар - масофавий курс автори, методист, ўқитувчи (тыютор, координатор), рухшунос, администратор, документовод, телекоммуникация ва дастурий таъминот группасиҳамда ўқувчилар.

- Автор - масофавий курсни яратувчи, уни янгилатувчи ва таҳрирловчи шахс.

- Методист - масофавий курс авторига консультациялар берувчи ва курсни таҳрирловчи шахс.
  - Ўқитувчи - ўқувчилар билан ўқиш жараёнида мулоқотда бўлувчи ва уларга ёрдам берувчи хамда уларнинг билимларини текширувчи шахс.
  - Рухшунос - ўқиш жараёнининг психологик мониторингни ташкил қилувчи шахс.
  - Администратор - ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқишидан четлаш масалалариниечувчи ва малакали ўқитувчиларни жалб қилувчи шахс.
  - Документовед - хужжатлар билан ишловчи шахс.
  - Телекоммуникация ва дастурний таъминот группаси -дастурлар вателекоммуникация ресурслар ишини таъминловчи шахслар.
  - Ўқувчилар - ўқув жараёнида қатнашувчи шахс.
- Ўқув жараёнинин ташкил килишда эса албатта қуидаги қадамларни бажаришимиз зарур бўлади:
- Курс мақсадларини аниклаш. Қайси билимларни (мавзулар, фан ва ...) ва кимларучун ўқитиши керак.
  - Ўқиш методларини танлаш. Ўқув жараёни давомида билимлар ва кўникмалардаражасини диагностика хамда текшириш манбаларини ва усулларини аниклаш керак.
  - Ўқув материалга методик талабларини ишлаб чиқариш. Янги билимларни бериш усулларини ва хажмларни аниклаш керак.
  - Дарслар жадвалини ишлаб чиқариш. Бутун курсни бир нечта модулларга бўлиш, хар битта модул тугаллашидан кейин ўқувчи томонидан қандай билимларга эгабўлишини аниклаш керак.
  - Ўқув жараёни мониторингни ташкил қилиш.
  - Текширув жараёнларни режалаштириш,
  - Ўқувчиларнинг мустақил ишларини режалаштириш,
  - Ўқув жараёни натижаларини прогнозлаштириш,
- Натижаларни аниклаш ва тахлил қилиш.

### **Назорат саволлари.**

1. Замонавий ахборот технологияларига нималар киради?
2. Замонавий ахборот технологияларини қанақа ижобий ва салбий томонлари бор?
3. Ўзбекистон Республикасида ундан фойдаланиш зарурати борми?
4. Масофавий таълимни ташкил қилиш учун нима керак?

### **4-мавзу: Кимёни ўқитишига инновацион технологиялардан фойдаланишининг илмий-назарий асослари.**

#### **Режа:**

1. Инновацион технологиялар мақсади ва вазифалари.
2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хақида тушунча бериш.
3. Кимёни ўқитишига инновацион технологиялардан фойдаланиш.

**Таянч иборалар:** Инновация, инноватика, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион мухит, инноватор, новатор, инновацион педагогик лойиха, инновацион режа, инновацион ғоя, инновацион таълим, инновацион технология, инновацион таълим муассасаси.

## 1. Инновацион технологиялармақсади ва вазифалари .

**Инновация** – (инглиз тилидан олинган “Innovation” янгилик киритиш )-тизим ички тузилишни ўзгартириш амалиёт ва назариянинг асосий қисми. Инновацион жараённинг мазмуний тамонини ўз ичига олади (илмий ғоялар ва уларнинг технологияларни амалиётга киритиш).

**Инноватика-** Янгиликни яратиш қонуниятларини ўзлаштириш ва тарғиботини ўрганадиган фан.

**Инновацион жараён-** Янгиликни киритилиши ва шарт-шароитлари, тизимини янги шароитларга кўрсаткичларга муваффакиятли ўтишни таъминловчи ўзгаришлар. Инновацион ўзгаришларга тайёр гарлик кўриш ва уни амалиётга киритиш жараёни.

**Инновацион фаолият** – Янги ижтимоий талаблар билан аънанавий меъёрларнинг мос келмаслиги. Амалиётнинг янгиланаётган меъёрларни мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муоммаларни ечишига қаратилган фаолият.(В.И.Слоботчиков).

**Инновацион мухит-** Бу педагогик жамода, умуман таълим муассасида шундай ижодий, самимий дўстона шароит туғдириладики, унда ўқитувчи ўзини эркин хис қиласи. Жамода ички интилиш моддий-маънавий қизиқиш юқори даражада бўлади. У мухитда ўқитувчи ижодий фикр юритиш, интилишга тайёр бўлади.

**Инновация** – маълум бир фаолиятда шакл, методлар, муаммоларни ечишдаги янгича ёндашув, янги технологияларни таълим жараёнига қўллаш орқали юқори натижаларни таъминлаш. Бир сўз билан айтганда, жараёнга концептуал ёндошув.

**Новация** -Агар ислоҳат фаолиятининг шакли, мазмuni ва қўлами қисқа муддатли бўлса ва яхлит хусусиятга эга бўлмаса, у ўз олдига муайян мавжуд тизимда фақат баъзи элементларни ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у холда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз.

**Новатор** – Янгиликни қабул қилиш ва уни амалга оширишга тайёр шахс. Ўз шахсий педамалиётида доимий янглик излайди, ўзлаштиради, қўллади.

**Инновацион педагогик режа**– Яратилган, тасдиқланган инновацион ўқув-тарбиявий лойиха.

**Инновацион педагогик ғоя**- Тизимлаштирилган педагогик ғоялар, ўқув жараёнини башпорат этувчи маълумотлар.

**Инновацион таълим –**

1. Таълим соҳасига киритилган ва киритилаётган янгликлар.
2. Янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни.

## 2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хақида түшунча бериш.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган мұхим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабаларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, талабалар фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, талабалар фаолияти назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- талабалар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгаллашини таъминлаши;
- талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- талабаларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илгор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бизга, уларни ижодий ривожлантриш мақсадга мувофиқдир.

**Инновацион технология** – Педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаолият жараёни (фаоллик, дидактик, ўйинлар, эвристик, креатив, муоммали, модуллашган алгоритимлаш, лойиҳали, Ахборот коммуникатив технологиялар).

**Инновацион таълим масканлари**- Янги тизимдаги таълим муассалари, академик лицейлар, колледжлар мактабгача таълим масканлари, ихтисослаштирилган синф мактаблар, янги соҳага мослашган ёки ташкил этилган ўқув юртлари хисобланади.

## Ўқитувчи инновацион фаолиятни ташкил этиш, уни шаклланиш

### Босқичлари

#### 1 – босқич

Тайёр методик тавсиялар аниқ килиб кўчирилади, қўлланилади.

#### 2 – босқич

Мавжуд бўлган тизимга айрим янги масалалар (модификациялар) методлар киритилади.

#### 3 – босқич

Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари ва шакли тўла ишлаб чиқилади.

#### 4 – босқич

Ўқитувчи ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ва методикасини ишлаб чиқади.

Сўнгги 10-15 йил давомида олийтаълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланиш кенг кўламда амалга оширилмоқда. "Қандай усуллар интерфаол методлар деб саналади? Бошқа усуллардан уларнинг фарқи нимада? деган саволларга жавоб беришда бу сўзнинг маъносини англаш зарур. "Интер" сўзи лотинча бўлиб, "орада", "ўртада" деган маъноларни англатади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (Тошкент, 2006, 2-жилд. 217-218-бетлар) да унга қуйидагича таъриф берилган:" 1) оралиқ ҳолат. Оралиқда жойлашган. Ўртада; 2) умумийлик, умуммақбуллик, ўзаро боғлиқ". Ушбу таърифлардан хulosса чиқарадиган бўлсак, мулоқот жараёнида ҳар икки томонга мақбуллик, ўзаро фаоллик, боғлиқлик, бир-бирни қўллаб-қувватлаш, тўлдириш тузатиш каби ҳолатлар интерфаол методлар асосини ташкил этади.

Интерфаол методлардан фойдаланишда ўқув материалининг мазмuni ўқитувчи томонидан қайта ишлаб чиқилиши, талабага мураккаб туюлган терминларни изоҳлаб бериши, унинг онгига ақлий фаолиятини уйғотиш ҳамда кучайтириш талаб қилинади. Агар ўқитувчиларни фаолиятида иш олиб боришини йўлга қўйсак:

-Ўқитувчиларни янгиликка интилувчанлиги, уларни яратиш, излаб топиш, банкини яратиш, кўникма, малакаси шаклланади;

-Узлуксиз ўз маҳорати устида ишлаш кўникмасига эга бўлади;

-Инновацион мухитда, илғор технологияларни, интерфаол усулларда ишлаш малакаси пайдо бўлади;

- Талабаларни мотивация, фаоллик, маъсулиятини ошириш асосида талабани ўқув жараёнини харакатлантирувчи кучга айлантиради;
- У ўз навбатида таълимда сифат ва самарадорликни кафолатлайди.

### **Олий таълимда қўлланиладиган асосий интерфаол методлар:**

Ақлий ҳужум («Мозговая атака») методи

Баҳслар

Музокара

Тақдимот (музёрап)

Пинборд ("пин"-мустаҳкамлаш, "боард"-доска)

Занжирметоди

Кластер ("ғунча", "боғлам"-ахборотларни ёйиш)

Лойиҳалар методи

"Қарама қарши муносабат" методи

"Қарорлар шажараси" методи

"Интер" методи

"Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Бумеранг

Мулоқот

Муаммо яратиш ва ёчимиини топиш

Скарабей-фикрий боғликлар, мантиқ хотира ривожланиши

"Шахсий фикр" методи

ФСМУ технологияси (фикр баёни, сабаб кўрсатиш, мисол келтириш, умумлаштириш)

### **Назорат саволлари.**

1. Интерфаол методларни мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
2. Олий таълимда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради?
3. Узингизни инновацион фаолиятингизни қандай ташкил қилгансиз?

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.

### 1-амалий машғулот: Кимё ўқитиши методикасини ривожлантиришда кимёгар олимларнинг назариялари ва тадқиқот методлари.

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларга кимё ўқитиши методикаси фани, унинг мақсади, тизими, вазифалари ва илмий фан сифатида ривожланиши, кимёгар олимларнинг назариялариҳакида билим ва малака ҳосил қилиш.

Кимё ўқитиши методикаси - педагогиканинг таркибий қисми бўлиб, у дидактиканинг чамбарчас боғланган. Ўқитувчининг иши талабани ўқитиши ва тарбиялашметодикаси бўлса, кимё ўқитувчиси ишининг асоси - кимё ўқитиши методикасидир. Ўрта мактабда ўқув жараёни учта асосий функцияларни бажариши керак: талабаларни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантиришди. Ўқитиши функцияси дидактика, тарбиялаш - тарбия назарияси, ривожлантириш эса психология фанлари ёрдамида ўрганилади. Кимё фани ҳам тушунчаларнинг мураккаб системаси бўлиб юқорида қайд қилинган фанлар билан ўзаро таъсирлашади. Бу ўзаро таъсирлашувянги билимлар системаси - кимё ўқитиши методикаси фани яратилишига асос солади.

Дидактика- педагогик таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фандир, у таълим назариясидир. Таълим назарияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Таълим назарияси
2. Таълим принциплари
3. Мактаб таълим мининг мазмуни, усуллари, фаннинг ташкилий шакллари.

Бошқа фанлар каби кимё ўқитиши методикаси ҳам учта асосий масалани ҳалқилиб беради:

- таълим - тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифалари;
- таълим-тарбиявий ишларнинг мақсади ва мазмуни;
- талабаларни маълумотли қилиш ва тарбиялаш жараёнлари.

Педагогика фанининг бир бўлими бўлган кимё ўқитиши методикаси текширишнинг умумпедагогик усулларидан: кузатиш, таълим-тарбия муассасаларининг хужжатларини ўрганиш, тўпланган фактларни анализ қилиш, иш гипотезаси, педагогик тажриба, таълим—тарбия жараёнининг қонуниятларини топиш каби усуллардан фойдаланилади.

Кимё ўқитиши методикаси бошқа фанлар каби, ўз тарихига эга. Кимё ўқитиши методикаси (КЎМ) аниқланишига кўра, кимёнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан бир вақтда вужудга келди ва ривожланди. А.Лавуазье, Д.Дальтон, С.Канницаро ва бошқа олимлар нафақат илмий, балки педагогик фаолият билан шуғулланиб, методиканинг ривожланишига анча ҳисса қўшганлар. КЎМ илмий фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида вужудга келган. КЎМ нинг илмий асосларини яратишида М.В.Ломоносов, Д.И.Менделеев ва А.М.Бутлеров айниқса катта роль ўйнадилар. М.В.Ломоносов жаҳонда биринчи бўлиб, «Чин физик кимё муқаддимаси»

деган асар яратди, физик кимёниң - вазифалари, мазмуни, ўқитишиң усууларини белгилаб берди; маърузаларнинг маҳсус дастурини талабаларига шу дастур асосида маъруза ўқиди.

Д.И.Менделеев илм соҳасида катта маҳорат кўрсатган олим, унинг бу маҳорати даврий қонун ва кимёвий элементларнинг даврий жадвалини кашф этишдан иборатdir. Д.И.Менделеев ўзининг "Кимё асослари" китобини яратганидан кейин элементларни даврий жадвалнинг гурухлари бўйича ўргана бошлади. Анерганик кимёни ўқитишида ҳозиргача шу усулдан фойдаланиляпти. Д.И.Менделеевнинг асарларида кимё ўқитишининг мақсади ва вазифалари аниқ кўрсатилган. "Кимё амалий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлмоғи лозим" деб ёзарди Д.И.Менделеев. Моддаларнинг кимёвий тузилиши назариясида А.М.Бутлеров ўз асарларида, айниқса "Органик кимёни мукаммал ўрганишга кириш", "Кимёниң асосий тушунчалари" деган машҳур қўлланмаларида ўзининг бир қатор методик кўрсатмаларини жуда равшан таърифлаб берган эди.

Совет даврида кимё ўқитиши методикаси педагогиканинг бир қисмига айланган эди. Бу давр В.Н.Верховский, С.И.Сазонов, С.Г.Крапивин, П.П.Лебедев, Д.И.Кирюшкин, П.А.Глориозов ва кўпгина бошқа олимларнинг номи билан боғланган, бу вақтда ўзини кейинчалик оқламаган "проектлар методи", "Далтон -план", "бригада усули" кенг ривож топди.

Республикамизнинг элга танилган йирик Х.У.Усмонов, О.С.Содиков, С.Юнусов, Ш.Т.Талипов ҳам ўз мактабларини яратиб, методиканинг ривожланишига анча ҳисса қўшганлар.

### **Назорат саволлари:**

- 1 Кимё ўқитиши методикаси фанининг мақсади ва вазифалари нимадан иборат?
- 2 Улуг рус кимёгарлари: М.В.Ломоносов, Д.И.Менделеев ва А.М.Бутлеров методик ғояларининг моҳияти нимада?
3. Республикализнинг кимёгар олимларидан кимларни биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. М. Нишонов, Ш. Мамажонов, В. Хўжаев. Кимё ўқитиши методикаси. Ўкув қўлланма. Тошкент, "Ўқитувчи", 2002 й.
2. Ш. В. Абдуллаев Д. Х. Мухитдинова. Кимё ўқитиши методикасидан услубий қўлланма. Наманганд, 2003 йил.

### **2-амалий машғулот: Таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг дидактик функциялари**

**Ишдан мақсад:** Турли дидактик мақсадларда қўлланиладиган диаграммалар, моддаларни ишлаб чиқаришни ифодаловчи плакатлар, кристалл панжаралар моделлари, жадваллар ва плакатларнинг афзаллиги кўрсатиш. Улардан дарснинг ҳар қандай дидактик босқичида, яъни

материални ўрганишда, дарсни мустаҳкамлашда, билимларни назорат қилишда фойдаланиш методикаси.

Кейинги вақтларда күргазмаликнинг муҳим воситалари бўлган экран қўлланмалари фаол ишлатилмоқда. Улар қуидаги техник воситаларни намойиш қилиш учун ишлатилади: киноаппарат, диапроектор, эпипроектор, грофопректор, видеомагнитафон, телевизорва бошқалар. Техник воситалари ўз-ўзича ўқитиш хоссаларига эга бўлмайди, лекин уларсиз экран қўлланмаларини ишлатиб бўлмайди. Экран қўлланмалари билан жараёнларни тасвирларини кўришлари натижасида талабаларнинг билимларни ўзлаштирилиши ошади.

Мустақиллик йилларида ўкув дарслари компьютерлар билан таъминланганлиги учун ўқитиша компютер дарсларидан фойдаланиш дарс унумдорлигининг ошишида муҳим воситага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» талабларидан келиб чиқкан ҳолда узлуксиз таълим тизими босқичма-босқич ва мақсадли ислоҳ қилинмоқда. Ўрта махсус касб-хунар таълимини амалга оширишда академик лицейлар зиммасига юксак ва маъсулиятли ижтимоий вазифалар юкланди. Бундан таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини давр талаблари даражасида ташкил этиш учун янги ўкув методик комплекслари ва педагогик технологиядан самарали фойдаланиш лозим.

Кимё фанини ўқитиша талабларга мувофиқ равища назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Моддаларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари орасидаги боғланишни очиб беришда кимёвий эксперимент, демонстрация ва лаборатория тажрибалари катта аҳамиятга эгадир. Кимёвий тажрибалар ўқитувчиларда маҳоратни талабаларда эса назарий билимларни мустаҳкамлайди. Турли сифат ва микдорий реакцияларнинг ранг ҳамда микдор ўзгариши билан бориши, чўкма тушиши, газ ажралиши билан борадигон тажрибалар талабаларда фанга катта қизиқиши уйғотади. Лаборатория тажрибалари экологик эътиқодни, меҳнатга тўғри муносабатни шакллантиради. Ушбу амалий ва лаборатория ишларини бажаришда Корея проекти ёрдамида республикамизга келтирилган кимёвий асбоб-ускуналар катта ёрдам кўрсатади. Бу асбоб ускуналарни касб-хунар коллежлари ва академик лицейларига жалб қилиниши ўқитувчиларнинг ишини янада самарали бўлишига катта ёрдам беради. Талабаларга эса уларнинг билимларини тасаввур қилиб қолмасдан балки амалда кўришга, билимларини янада чукурлаштиришга ёрдам беради.

### *Кўп мақсадли стол центрифугаси*

Асбоб ёрдамида кимёвий бирикмаларни ёки уларнинг эритмаларини бир текис ва керакли маромда аралаштириш ва бунинг ёрдамида тегишли бўлган чўкма ва бошқа ходисаларни амалга оширишмумкин.

*Кўп мақсадли стол центрифугаси**Сув ҳаммоми*

Асбоб ёрдамида берилган моддаларни сувнинг қайнаш температурасигача бўлган интервалда бирикмаларни синтез ишларини амалга ошириш ёки шу ҳарорат доирасида енгил қайнайдиган моддаларни қўшимча асбоб-ускуна қурилмалар ёрдамида бир-биридан ажратишда қиздириш ишларини олиб бориш мумкин.

*Сув ҳаммоми**Қиздиришига мослаштирилган магнитли аралаштиргич*

Асбоб ёрдамида кимёвий моддаларни белгиланган температурада бир маромда қиздириш мумкин.

*Қиздиришига мослаштирилган магнитли аралаштиргич**Аналити ктарози*

Асбоб ёрдамида кимёвий бирикмаларни аниқ ўлчаш ишлари олиб борилади. Унда бир вақтнинг ўзида кимёвий модда намунаси билан идишнинг массасини ёки алоҳида модда массасини аниқлаш мумкин.

*Аналитик тарози**Электр муфел печкаси*

Асбоб ёрдамида кимёвий бирикмаларни юқори температурада қиздириш, чинни идишларда эритмаларни буғлатып қуруқ модда олишда кристаллгидратларни сувсизлантириш сингари лаборатория ишларида фойдаланилади.

*Электр муфел печкаси**Иситиши плитаси*

Асбоб ёрдамида берилган кимёвий модда ёки эритмаларни тегишли температурагача қиздириш ишлари олиб борилади.

*Иситиши плитаси**pH-метр*

Асбоб ёрдамида берилган кимёвий бирикма ёки модданинг бир неча томонлама күрсатилған маълумотларини аниқлаш мүмкін.



### Назорат саволлари:

1. Маъруза машғулотлари учун дидактик ва тарқатма материаллар тайёрлаш.

2. Лаборатория, амалий ва семинар машғулотлари учун дидактик ва тарқатма материаллар тайёрлаш.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.

### 3-амалий машғулот: Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш босқичлари ва уларнинг мазмуні

**Ишдан мақсад:** Стандарт ва ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиб, фанлар бўйича тест тузиш. Му тест дастурини киритиш орқали талабалар билимини назорат қилиш, кимёвий фанлар бўйича Кейс-стади топшириклари мажмуасини тайёрлаш. Кейс-стади топшириклари мажмуасини тайёрлаш методикасини эгаллаш.

Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи саволи тўғри ва нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қиласди.

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гурухларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси хақида умумлашган якуний хуроса чиқаришга имкон берадиган тест топшириклари саналади.

Адаптив тестлар автоматлаштирилган, талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби,

қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида талабанинг эгаллаши мүмкін бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртacha оғирликдаги, талабанинг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мүмкін.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг модуль-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мүмкін. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча варианти тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мезонли-мўлжал олиш тестлари талабаларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўкув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировар натижада талабаларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хulosha тайёрланади.

Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

Адаптив талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини беради, яъни тест топшириқларининг қийинчилик даражасига кўра талабалар танлаш ҳукуқини беради. Адаптив тестлар автоматлаштирилган, Му тест дастурига киритилиб, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникмаларини мустаҳкамлаш, машқ қилиш, ўз-ўзини назорат амалга ошириш орқали таълим маконига мослаштириш имконини беради. Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этади, яъни талабаларнинг танлашига кўра фақат ўртacha оғирликдаги, аралаш, қийин даражали тест топшириқлардан фойдаланишга имкон яратади.

Кимё фанларини ўқитишида модулли ёндошувни амалга ошириш куйидаги дидактик мақсадларга эришишга имкон беради:

1. Кимё фанларини модулларга ажратиши Блум таксономияси бўйича идентив ўқув мақсадларнинг шакллантириши, таълим-тарбия жараёнидан кўзланган натижаларга босқичма-босқич эришиш;
2. Блум таксономияси бўйича белгиланган ўқув мақсадларига эришиш учун модулни ўрганишда фойдаланиладиган инновацион ва ахборот технологияларни аниқлаш;
3. Модул мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот ва назорат топшириқларини мақсадга мувофиқ тайёрлаш;
4. Модулдан ўрин олган мавзулар ўрганиладиган машғулотларни инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш;
5. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларда талабалар томонидан бажариладиган ўқув ва назорат топшириқларидан фойдаланиб курс силабуси, ўқув-методик мажмуа, методик ва дидактик таъминотини талаб даражасида ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш.

Охирги икки ўн йилликлар ичida Блум таксономияси, олий мақсадида фикрлаш кўникмаларини қуриши ечимлар (Ресниск, 1987) топшиш учун оддий алгоритм билан мураккаб кўникмалар, деб таъриф қилинган. Бу кўникмалар саволлар, суроштирув, танқидий фикрлаш, моделлаштириш, график ва узатиш сўрашини ўз ичига олиши мумкин. Юқори мақсадида фикрлаш кўникмаларини талаблари ва вазифалари ҳам айтиб ўтилган<sup>13</sup>.

### **Кимёвий фанлар бўйича курс силлабусини тайёрлашнинг дидактик мақсади ва вазифалари**

Замонавий ахборотни - фанга жорий қилиши ва алоқа бўлиши, кимё ўқитишни яхшилаш учун технологиялардир. Эҳудит Дори, Сасча Сchanze ва Сусан Родригуэзлар мультимедиа замонавий технологиясидан фойдаланиши кимё таълимида фойда келтириши мумкин, қандай қилиб ўрганишини қўллаб-қувватлайди ва назарияси тушунчасини беради. Бу орқали норасмий ва фанлараро йўналишида фойда беради ва мактабда кимё ўқитишни оширади.<sup>14</sup>

Силлабус (лотинча Syllabus Errorum-“иккиланишлар рўйхати”)-1864 йилдан Рим черкови томонидан ишлаб чиқилиб, муҳокама қилина бошланган таълимот ва тамойиллар рўйхати. Авваллари мазкур атама (лотинча syllabus-каталог) Рим папаси томонидан ишлаб чиқилган қонунларни кодификациялаш учун қўлланилган.

Силлабус(Syllabus) – ўқув фанининг қисқача тавсифи ва асосий жиҳатларини ўзида акс эттирувчи ўқув курси бўйича ўқувчи учун маҳсус ишлаб чиқилган дастур. Силлабус ўқитувчи ва ўқувчилар ўргасида коммуникация воситаси сифатида хизмат қиласди.

<sup>13</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.84 page)

<sup>14</sup>Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers.9 page)

Силлабус ўқувчи курсни ўзлаштиришнинг биринчи кунидан билиши зарур бўлган ўқув фанининг қисқача аннотацияси, уни ўрганишнинг мақсади, ўтиладиган мавзулар жадвали, муваффақиятли ўзлаштириш шартшароитларидан ташкил топади.

**Амалий машғулот давомида тингловчилар томонидан бажариладиган топшириқлар юзасидан методик кўрсатма**

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.
2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.
3. Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.
4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг.
5. Қуйида берилаётган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилинг ва уларнинг турлари, талabalарнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнидаги ўрнини аниқланг.

**Назорат саволлари:**

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни санаб ўтинг.
2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.
3. Силлабус деганда нимани тушунасиз?
4. Силлабусни таркибий қисмларига нималар киради.
5. Кимё фанлари учун силлабуслар тайёрлаш методикасини ёритинг.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Teaching Chemistry – A study book A Practical Guide and Text book for Student Teachers.
2. Athanasios Valavanidis and Thomaïs Vlachogianni 2012. GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING From Theory to Practice for the Protection of the Environment and Sustainable Development
3. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. 48 бет
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.

#### **4-амалий машғулот: Олий таълимда кимёни ўқитишнинг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион мухитини лойиҳалаштириш.**

**Ишдан мақсад:** Масофадан ўқитиш технологиясининг вужудга келиши, унинг афзаликларини ёритиб бериш, интерфаол методлар, стратегиялар, ахборот-коммуникация технологияларини лойиҳалаштириш.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. Инновацион таълим (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларини шакллантириш имкониятини яратадиган таълим. Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. Интерфаол методлар: “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Блицсўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Суҳбат” ва б.

2. Стратегиялар: “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёрап”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалоқланган қор” ва ҳ.к.

3. График органайзерлар: “Балиқ скелети”, “Б/Б/Б”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва б.

Сўнгги вақтларда “Кейс-стади” методи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффакиятли қўлланиб келинмоқда ва бугунги кунда республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда.

Бугунги кунда тараққиёт жуда тез ривожланмоқда ва жуда тез ўзгармоқда. Деярли хар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган вофеа ходисалар содир бўлмоқда. Хар бир кунимиз кучли инфомрация оқими остида кечмоқда. Информация оқими бизни уйда, ишхона ва таотилда таоқиб этади. Инсон инфомрация таосиридан холи нормал фаолият юрита олмайди. Хаётни англаш, уни ўрганиш инфомрацияларни йигиши ва ўзлаштириш орқали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маолум давр ичida шахс томонидан ўзлаштирилган инфомрацияларнинг кўп ёки озлиги билан белгиланади. Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш таолимотни такомиллаштиришда янги инфомрация технологиялардан унумли

фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури хамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Конуни хам зиммамизга шу маъсулиятни юклайди. Вахоланки таолим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимида масофадан ўқитиш услуги шакллари қўлланилмоқда.

**Масофавий таълим** - масофавий ўқитишга асосланган таълим.

**Масофавий ўқитиш** - ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари - мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган таълим олувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.

**Масофавий ўқитиш тизими** - масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил етиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

**Масофавий ўқитишнинг педагогик технологиялари** - танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўкув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуаси.

Масофадан ўқитиш услуги бу сиртқи ўқишининг янги шаклидир. Масофадан ўқитиш бу мустақил ўқишидир. Мустақил ўқиши инсоннинг мустақил фикрлаш, холатни баҳолаш, хулоса ва баҳорат қилиш қобилияtlарини ривожлантиради. Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ўкувчи ўзига қулай вақтда ва хаттоқи ишдан ажralмаган холда ўқиши мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услуб дунёда хозирги кунда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхоналар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун шу услубдан фойдаланиб, йилига миллионлаб долларларни тежамоқдалар.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллик томони унда ўқиши муддатини ўкувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқишини бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш топшириқларни, тестларни бажаришига Караб аниқланади. Ўқувчи берилган программани қанчалик тез ўзлаштиурса, шунчалик тез ўқишини тутатади ва гувохнома олади. Программани ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқишини давом эттиришга имконият берилади. АҚШ масофадан ўқитиш технологияси билан Virginia Commonwealth University MCV да Dr. Dolores Clement рахбарлигида ўргандик [3], Бу усулдан бир неча йиллар давомида фойдаланилмоқда. Унда магистратурани тутатган врачлар ўқийди. Врачлар дунёning турли нуқталаридан туриб ўқиши имкониятига эга бўладилар. Баози бакалаврият талабалари бир неча мутаххассисликни эгаллаш мақсадида бу усулдан фойдаланишади. Масофадан ўқитишда одатда ишлаётганлар, оналар, ўқиётганлар бирор мутаххассисликни эгаллаш ёки малакаси ИН ошириш мақсадида ўқийди. Бу услуб ногиронлар учун жуда қулайдир. Масофадан ўқитишда хаттоқи маҳбуслар хам ўқиши имконига эга. Бу хақида бир неча бор Австралияда эшитдик. Масофадан ўқитиш айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун

иқтисодан қулайдыр. Масофадан ўқитиш ташкилий иқтисодий афзалликларға хам эга. Масофадан ўқитиш учун талабалар учун аудиториялар, ётоқхоналар зарур эмас. Масофадан ўқитишда молиявий харажатлар асосан ўқув услугбий материаллар тайёрлаш учун, маҳсус аудиториялар учун сарфланади. Бу харажатлар нинг асосий қисми бу жараённи ташкил этиш босқичида сарфланади. Кейинчалик молиявий харажатлар камаяди. Шунинг учун талабалар сонини ошиши билан ўқиши нархи хам пасаяди. Масофадан ўқитишда асосий эотиборни ўқув услугбий материалларни тайёрлашта қаратып даркор. Чунки ўқув услугбий материалларнинг сифати масофадан ўқитиш сифатининг энг асосий омилларидан бириди. Ўқув услугбий материал қанчалик тушунарлы ва батафсил бўлса, шунчалик у ўқувчига фойдали бўлади. Яъни материал услугбий жихатдан пухта бўлмоги зарур.

**Масофадан ўқитиш нима?** Масофадан ўқитиш бу Интернет тармоги орқали сизга қулай бўлган вақтда ўқишидир. Масофадан ўқитишнинг таркибий белгилари: ўқитувчи, ўқувчи, коммуникациядир. Масофадан ўқитиш услугбий материаллари қуйидагилардир:

- Дарслик
- Аудио ва видео дарсликлар
- Онлайн дарслар (Интернет сахифа)
- Электрон кутубхоналар
- Тестлар
- Мультимедиа электрон дарсликлар

Хозирги кунда республикамизда хам масофадан ўқитиш услугбий материаллари айрим фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда ва яхши натижалар бермоқда. Электрон кутубхоналар, электрон дарсликлар, онлайн дарсликлар расмга кирмоқда. Мисол сифатида қуйидаги дарслик билан танишиб чиқишингиз мумкин. Бу "Замонавий информацион технологиялар" курси бўлиб, у билан Интернет орқали танишиб чиқиш мумкин. Курсдан Тошкент давлат техника университети талабалари бир неча йиллар давомида фойдаланиб келмоқда. Мультимедиа дарслик ўзида кўпгина маолумотларни мужассамлаш билан бирга, бу маълумотларни экранда намойиш этади, хамда овоз ёрдамида изохлайди. Мультимедиа дарсликнинг хусусияти у воқеа ва маълумотларни яққол акс эттиради. Яъни мультимедиа воқеа ва маълумотларни хаётйлаштиради. Бу матн, видеотасвир, мултипликация, овоз ва мусиқа ёрдамида амалга оширилади.

### **Назорат саволлари.**

1. Масофавий таълим моделлари.
2. Масофавий таълимнинг ютуқлари ва камчиликлари.
3. Ўзбекистон Республикасида ундан фойдаланиш зарурати борми?
4. Масофавий таълимни ташкил килиш учун нима керак?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1.[http://library.tuit.uz/el\\_ucheb/otd\\_inf\\_teh/Ahborot\\_Tehnologiyalari/Data/Themes/Themes16.htm](http://library.tuit.uz/el_ucheb/otd_inf_teh/Ahborot_Tehnologiyalari/Data/Themes/Themes16.htm).

2.Evaluation of Evidence - Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies. U.S. Department of Education Office of Planning, Evaluation and Policy Development Policy and Program Studies Service, 2010.

**5-амалий машғулот: Виртуал синф ( гурух) ўқитишнинг таъминоти, ўқув телекомуникация лойиҳалари. Тескари алоқа диалогик технология; компьютер алоқаси; телеконференция.**

**Ишдан мақсад:** Масофадан ўқитишни ташкил этишни ҳозирги замон моделлари ҳакида тушунча бериш. Масофадан ўқитишнинг коммуникация ва тармоқ технологияларидан фойдаланиб дарс ўтиш методлари. Виртуал синф (гурух) ўқитишнинг таъминоти.

Кадрлар тайёрлашнинг сифатини янада яхшилаш, таълим түғрисидаги қонуннитўла амалга ошириш учун таълимнинг турли шаклларидан фойдаланиш зарур бўлиб келяпти. Бу борада хукуматимиз томонидан кўп ишлар олиб борилмоқда. Шуларга Республикаизда янги ривожланган, "масофавий таълим" деб номланган, таълим тури мисол килишимиз мумкин. Таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлган таълим турларидан ўзининг айrim ижобий томонлари билан ажралиб туради. Бу таълим турини пайдо бўлишига асосий сабаб деб информацион ва коммуникатив технологияларнинг тезкор ривожланиши ва улар асосида принципиал янги таълим технологиялар (интернет технологиялар) яратилишини хисоблаш мумкин. Интернет технологиялардан фойдаланиш бизга ўқув материалларни чексиз ва жуда арzon таркатиш ва кўпайтириш, хамда уни ўқувчиларга тезкор ва аниқ етказиш имкониятларини яратиб берди. Шу билан бирга таълим интерактив бўлганлиги сабабли, ўқувчининг ўз устидан мустақил ишлашнинг ўрни жуда катта ахамиятга эга бўлади.

**Масофавий таълим моделлари.**

Масофавий таълим (МТ) - бу ўқитувчи ва ўқувчи бир бири билан масофа ёки вақт орқали ажратилган сабабли, ахборот технологиялардан фодаланилган таълим тури. Бу таълим турини бир неча моделлари мавжуд, улар масофавий таълим ташкил килинишига сабаб бўлган вазиятлари билан фарқланади: географик сабаблар (мамлакат майдони, марказлардан географик узоқлашган регионлар мавжудлиги), мамлакатни компьютерлаштириш ва информациялаштириш даражаси, транспорт ва коммуникациялар ривожланиш даражаси, масофавий таълим учун мутахасислар мавжудлиги, таълим соҳасида информацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражаси, мамлакатнинг таълим соҳасидаги одатлари бўлиб хисобланади.


- 1) Бирламчи модел. Бу моделга мисол қилиб Буюк Британиянинг Очик Университетидаги (<http://www.ou.uk>) таълимни олиш мүмкін.
  - 2) Иккіламчи модел. Бу моделга мисол қилиб Янги Англия ва Австралия Университетидаги (<http://www.une.edu.au>) таълимни олиш мүмкін.
  - 3) Арапашган модел. Бу моделга мисол қилиб Янги Зеландиядаги Массей Университетидаги (<http://www.massey.ac.nz>) таълимни олиш мүмкін.
  - 4) Консорциум. Бу моделга мисол қилиб Канададаги Очик Ўқув Агентлигидаги (<http://www.ola.bc.ca>) таълимни олиш мүмкін.
  - 5) Франчайзинг. Бу моделга мисол қилиб Очик Университет Бизнес мактаби ва Шаркий Европа Университетлари билан бўлган хамкорлиги бўлиши мүмкін.
  - 6) Валидация. Бу моделда битта университет ўқув курс, дипломларларни кафолатласа, қолган бир нечта университетлар ўқувчиларни таъминлайди.
  - 7) Узоқлашган аудиториялар. Бу моделга мисол қилиб АҚШнинг Висконсинг Университетидаги ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение Университетидаги таълимни олиш мүмкін.
  - 8) Проектлар. Бу моделга мисол қилиб Африка, Осиё ва Лотин Америкадаги ривожланмаган мамлакатларида ўтказилган қишлоқ хўжалиги, солиқлар ва экология хақидаги ўтказилган хар хил курслар бўлиши мүмкін.
- Масофавий таълим интернет борлиги, ундан фойдаланиш нархи, тезлиги ва сервислар мавжудлигига, маҳсус коммуникацион техникалар мавжудлиги ва улар ишлашига тааллукли. Виртуал мухит ва техника таъминот билан боғлик.

### **Тескари алоқа диалогик технология; компьютер алоқаси; телеконференция.**

#### **Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари**

Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қуийдагиларни кўрсатиш мүмкін:

- Муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools);
- Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- Ички контентни бошқарув тизимлари CMS (Content Management Systems).



Электрон таълимни ташкиллаштиришда ишлатиладиган дастурий таъминотлар структураси. Ўқув муассасасида масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришга қўйиладиган техник ва дастурий талаблар МТ жараёнини амалга оширишда қўйида кўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин:

1-босқич: Таҳлил

2-босқич: Лойиҳалаштириш

3-босқич: Жорий қилиш

4-босқич: Ўқув контентларини яратиш

5-босқич: Ишга тушириш

6-босқич: Ривожлантириш

1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиши усувлари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишда керак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади.

2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқлойиҳалаштирилади.

3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуаа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий

мажмуасиданфойдаланиш ва унга техник қўллаб қувватлошли ишчи ходимларни ўргатишбўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади.

4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахасислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар эксперталар томонидан текширилади.

5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни доийми назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади.

6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

МТ маслаҳатлари ўқувчилар ишига раҳбарлик қилиш шаклларидан бири бўлиб, фанни мустақил ўрганишга ёрдам беради. Компьютер тармоғи ва электрон почта (манзил) ва телеконференциядан фойдаланилади.

Масофавий таълимда назарий материалларни ўрганишни ташкил этиш учун фойдаланиладиган технология сифатида, анъанавий маъruzалардан ташқари қуидагиларни ажратиш мумкин:

а) Видео маъruzалар. Бу ҳолда ўқитувчи маъruzаси видеолентага ёзилади. Чизиқсиз монтаж усулида у мультимедиа иловалар, маъruzани баёнқилишни кўргазмали қиласидиганлар билан тўлдирилиши мумкин. Бундай тўлдиришлар маъруза мазмунини нафақат бойитади, балки уни баён қилишни жонлироқ ва ўқувчилар учун қизиқарли қиласиди. Материални баён қилишнинг бундай усулининг бевосита қадр-қиймати маъruzани ўзига қулайвақтда, энг қийин жойларга қайта мурожаат қилиш йўли билан эшитиши мкониятини мавжудлигидадир.

б) Мультимедиа маъruzалар. Маъруза материаллари устида мустақил ишлаш мобайнида ўқувчилар интерфаол компьютер ўқитиш дастуридан фойдаланиладилар. Булар мультимедиа воситаларини қўллаш ҳисобига шундай тизимлаштирилганки, ҳар бир ўқувчи уни қабул қилишнинг психофизиологик хусусиятларига максимал мос келдиган материалани ўрганишнинг оптимал йўли (траекторияси) ни, курсустидаги ишлаш даражасини ва ўрганиш усулини танлаш имкониятини берадиган ўқув қўлланмадир. Бундай дастурларда таълим самарадорлиги нафақат мазмуний

Телеконференция (teleconferencing) – икки ва ундан ортиқ гуруҳқатнашчиларининг ўзаро мулоқотини ташкил этиш учун электрон алоқа

Каналларидан фойдаланиш жараёнидир. Мавзуни модератор томонидан бошқарилади. Телеконференция жараёнида овоз, тасвир ёки компьютер

Маълумотлари узатилади, жўнатилган хабар унинг барча қатнашчиларига етказилади, яъни мулоқот ътбир стол атрофидаги мулоқот жараёнига ўхшайди.

Телеконференция ўзида аудиоконференция (audioconferencing), видеоконференция (videoconferencing) ва компьютер конференциялари (computerconferencing) каби технологияларни мужассамлаштиради.

### Назорат саволлари.

1. Масофавий таълимнинг афзаликлари нималардан иборат?
2. Масофавий таълимнинг салбий томонларини айтинг.
3. Масофавий таълимда талабалар кандай баҳоланади?
4. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичларини айтинг.
5. Кимё фанлари учун дастурий таъминотни шакллантириш.

### Фойдаланилганадиётлар.

1. E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013.
2. The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Siân Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh. The Higher Education Academy, 2013
3. Evaluation of Evidence - Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies. U.S. Department of Education Office of Planning, Evaluation, and Policy Development Policy and Program Studies Service, 2010
4. Arafeh, S. The implications of information and communications technologies for distance education: Looking toward the future / S. Arafeh. — Arlington, VA: SRI International — Final Report. — 2004
5. Bates, A.W. Distance education in a knowledge-based society / A.W. Bates // A keynote address in the ICDE Conference on The Metamorphosis of Distance Education in the Third Millennium — Toluca, Mexico. — 2007
6. Bullen, M. Digital Learners in Higher Education: Generation is Not the Issue / M. Bullen, T. Morgan, A. Qayyum, // Canadian Journal of Learning Technology – 2011 — № 37(1).
7. Donhue, B. Faculty and administrators collaborating for e-learning courseware / B.Donhue, L. Howe-Steiger // EDUCAUSE Quarterly — 2005 — №28 (1). — p.20-32.
8. Henri, P. E-learning technology, content and services / P. Henri // Education and Training — 2001 — №43(4) — p.249-255.

### **6-амалий машғулот: Мұхим мавзуларни ўқитишга инновацион ва информацион, интерактив ўқитиш методларини жорий қилиш масалалари.**

**Ишнинг мақсади:** Олий таълимда қўлланиладиган асосий интерфаол методларнинг мақсади ва вазифалари. Кимёни фанларини ўқитиш жараёни-да инновацион ва информацион, интерактив ўқитиш методларидан фойдаланишметодикасини ишлаб чикиш.

Ўқув жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш таълим методларнинг самарадорлигини оширишга, ўқитувчилар меҳнат фаолиятининг ўзгаришига, уларнинг педагогик махоратларини такомиллаштиришга, педагогик тизимларнинг таркибий ўзгаришига самарали таъсир этади. Бу эса педагогик жараёнларни ахборотлаштиришни ташкил этиш вабошқаришда ўзига хос вазифаларни қўяди. Педагогик таълим жараёнларини замонавий ахборот технологиялариасида самарали ташкил этиш:

- масофавий ўқув курсларини ва электрон адабиётларни яратувчижамоа ўқитувчилар, компьютер дастурчилари, тегишли мутахассисларнинг биргаликда фаолият олиб боришини;
- ўқитувчилар ўртасида вазифаларнинг бир маромда тўғри тақсимланишини;
- таълим ва тарбия жараёнини янада мукаммал ташкил қилишнитакомиллаштириш ва педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мониторингини ташкил этиш имкониятини яратади.

Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитувчининг педагогик фаолиятида:

- таълимнинг технологик асосини замон талаблари даражасида ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муракқаб жараён енгиллашади;
- дарс жараёнини замонавий техник воситапар асосида ташкил этиш учун маҳсус малакапар шакллантирилади;
- масофавий курсларнинг очиқлиги туфайли уларнинг сифатига бўлган талаблар ва ўқув материалларининг сифатини назорат қилишга эҳтиёж пайдо бўлади;
- таълим жараёнида ўкувчиларнинг мустақил фаолияти такомиллашади, дарс жараёнининг самарадорлиги ўқитувчидан ўкувчига кўчади;
- ўқув жараёнини ташкил этишда, ўкувчининг ташкилотчилиги ва шахсий иштироки ортади;
- замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида ўқитувчи педагогик фаолиятида ҳар бир ўкувчи билан тескари алоқаси вужудга келиши таъминланади. Мамлакатимизда ва жаҳоннинг ривожланган давлатларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида педагогик технологияларнинг ривожланиши, зарур ахборотларни мустақил излаб топиш, муаммони қўя билиш ва унинг ечимини ҳал этиш, олинган билимларни танқидий таҳлил эта олиш ва ушбу билимлар асосида янги масалаларничишда қўллаш учун йўналтирилган. Эндиликца шахсга йўналтирилгантаълимнинг зарурийлиги барчага аён бўлмокда. Шахсга йўналтирилган ўқитиши - бу ўкувчининг ёш ва шахсий хусусиятларини, қобилияти ва имкониятларини инобатга олувчи, илғорпедагогик ва ахборот технологияларидан ўкувчи шахсини ривожлантиришда самарали фойдаланувчи ўқитишидир. Шундай қилиб, шахсгай йўналтирилган ўқитишида ўқиттпни табақалаштириш ва индивидуал-лаштириш асосий тамойил сифатида қаралади. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi)

### **Назорат саволлари.**

1. Кимёни фанларини ўқитиши жараёнида инновацион ва информацион, интерактив ўқитиши методларидан фойдаланишметодикасини ишлаб чикиш.
2. Ўқитадиган фанингиздан ҳамкорликда ўқитиши технологияларисидан фойдаланиш учун зарур бўлган ўкув топширигини тузинг.
3. Ҳамкорликда ўқитишининг турларини аниқланг ва унга мос ҳолда ўкув топширигини тузинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers
2. Athanasios Valavanidis and Thomais Vlachogianni 2012. GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING From Theory to Practice for the Protection of the Environment and Sustainable Development
3. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. 48 бет
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.

### **7-амалий машғулот: Замонавий ёндашувлар асосида талабалар мустақил ижодий ишларини ташкил этиш.**

**Ишнинг мақсади:** Кимё ўқитиши жараёнида талабалар мустақил ижодий ишларини бажариш давомида ўкув адабиётларни мустақил ўзлаштириши, лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриши, масалалар ечиши, лаборатория ишлари қурилмаларини, ўқитиладиган фанга жадваллар, слайд ва анимациялар тайёрлашларини ташкил этиш методикасини ишлаб чикиш.

Талабанинг мустақил иши унинг аудиторияда ва ундан ташқарида, ўқитувчи раҳбарлигига ёки ўқитувчи иштирокисиз амалга ошириладиган мустақил иш мажмuinи англатади. Мустақил иш қандай шароитларда амалга оширилади:

1. Бевосита аудиторияда – маъруза, амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида.
2. Ўқитувчи билан дарс жадвалидан ташқари пайтлардаги бевосита мулоқот чоғида маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, якка топшириқ бажаришда ва бошқалар.
3. Ахборот ресурс марказида, уйда, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўкув ёки ижодий топширикларни бажариш жараёнида.

Мустақил иш бўйича тест саволлари, топшириқлар ва машклар устида ишлаш асосан мустақил бажарилади. Бу иш натижалари эса аудиторияда (амалий ва лаборатория) машғулотларида ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Амалий ва лаборатория ишларни бажариш – Мустақил ишларнинг асосий кўринишларидан бири амалий ишларни бажариш жараёнидир.

Амалий машғулотлар талабада билимни мустаҳкамловчи уларни янги вазиятга кўчириб, амалий масала ва вазиятларни ҳал қилиш учун умумпедагогик тушунчалар ва асосий педагогик маҳоратларни ривожлантиришга қаратилган. Амалий-лаборатория машғулотларида янги психологияк-педагогик ташхис ва методикалар билан танишиб, улар билан ишлайдилар, гурухларга бўлинган ҳолда ва педагогик технологияларни таҳлил килишади.

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки тажриба ўтказадилар.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш - Китоблар ва ўқув адабиётлари билан ишлаш кўнишка ва малакаларини шакллантириш мустақил таълим олишнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Ўқув адабиётлари билан ишлашни барча таълим олувчилар яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ўқув адабиётлари деганда, дарслеклар, ўқув қўлланмалар, техник адабиётлар, маълумотлар, йўриқномалар ва ҳ.к. тушуниш мумкин.

Чизмалар ва схемаларни ўқиши ва тузишни ўрганиш – Табиий фанлар факультетини қўпчилик фанлари ишлаб чиқариш асосларга эга бўлганлиги сабабли чизмаларни ўқиши, схемаларни тузиш муҳим аҳамият касб этади. Талabalарга чизмаларни ўқиши ва тузишни ўргатиш учун уларда график билим элементлари билан танишишлари чизмаларни ўқишини ўргатишдан бошланади. Машғулотларда технологик хужжатлар сифатида техник расмлар, эскизлар ва иш чизмаларидан фойдаланилади.

Схемаларни ўқиши: асбоб-усқунанинг номи, вазифаси ва қайси жойларда қўлланишини аниқлаш; унинг иш жараёнини тушунтириш; қисмларининг вазияти, ҳаракатни узатиш усуллари ҳамда кетма-кетлигини аниқлаш;

Маъруза тайёрлаш - Олий таълим муассасаларида ўқитиши жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва методларидан фойдаланилмоқда. Таълимнинг асосий шакли эса маъруза ҳисобланади. Маъруза тайёрлаш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласиган иш. Бўлажак Кимё ўқитиши методикси таълими бакалавр ўқитувчилари «Анорганик кимё», «Органик кимё» фанида маъруза тайёрлашлари уларнинг ҳам педагогик, ҳам методик ва қасбий билимларни ошишига олиб келади.

Масофали таълим технологияси - Масофавий таълим тизими анъанавий таълим тизимини амалга оширишда муаммоларга дуч келинган ёки шартшароит ушбу жараённи тақозо қилгандан қўлланилади. Бу жараён

Маълум мұхитда таълим самарадорлигини оширишга замонавий технологиялардан етарлича фойдаланишга замин яратади.

Масофавий таълимнинг асосини мустақил таълим ташкил қилганлиги учун ҳам талабаларда ижодий тафаккур ривожланиб боради. Масофавий таълимда ўқув жараёнининг муддати қатъий белгиланмайди. Назорат ишларини бажариш ва жавоб йўллашни талаба ўзи мустақил, ўзига қулай вақтда бажаради. Ушбу масофавий таълим самарадорлигини оиширишга хизмат қиласди. Масофавий таълимни ташкилий-методик моделларини қуидаги асосда тавсиф қилиш мумкин: мухбирлик таълими, кейс технологияси, радио-телевизион таълим, тармоқли ўқитиш, мобил

-технологияси ва ҳ.

4.6. Стенд тайёрлаш - стенд тайёрлаш учун бир гурӯҳ ўқувчилар томонидан режа бўйича мавзу танланиб, талаб қилинган қўргазмаси технологик тасвири ёки усқунанинг тасвири чизилади ва ҳар бир тасвир бўйича тушунтириш ёзувлари мутахассислик бўйича адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзилади. Электрлаштирилган стендни тайёрлаш учун бир гурӯҳ талабалар томонидан режа бўйича мавзу танланиб, талаб қилинган қўргазмаси-технологик тасвир ёки усқунанинг тасвири чизилади, сўнг тасвирдаги ускуналар ёки усқунанинг қисмлари электрлаштирилади ва ҳарбир тасвир бўйича тушунтириш ёзувлари мутахассислик фанларидаги адабиётларидан қайта фойдаланиб мавзу ёритилади.

Уй вазифаларини бажариш дафтарлари-айрим талабалар уй вазифаларини бажаришда фан китобларидан маҳсус фанларга тааллуқли журнал ва газеталардан, информацион технологиялардан фойдаланиб уй вазифасини баён шаклида, маъруза- матн шаклида, схема шаклида бажариши мумкин. Вазифаларни бажаришда қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, маълумотлар тўплайди, реакциялар ёзади. Бу эса мустақил иш сифатида қабул қилиниши мумкин.

Назорат ишларига тайёрланиш - тестларга ва назорат ишларига тайёрланиш жараёни ҳам мустақил таълимнинг асосий қўринишларидан бири ҳисобланади. Таълим олиш даврида тестлар ва назорат ишлари топшириш талабалардан катта жавобгарлик талаб қиласди. Тестларда ва назорат ишларида талабалар ўқув режасини қандай даражада ўзлаштирганликлари хақида ҳисбот берадилар. Талабаларнинг назоратларга ўз хоҳиши асосида мукаммал тайёрланиши аъло баҳо олишининг гаровидир. Талаба ҳар бир дарсга ўз вақтида ва яхши тайёрланса ҳам у назорат ишларидан олдин барибир қайта тайёрланиши керак, яъни материални қайта ўқиши, умумлаштириши ва тизимлаштириши лозим.

Мустақил таълимни таъминлашда ўқитувчи компьютер технологияси (компьютер саводхонлиги) мазмунининг қуидаги тузилмалари тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак:

- информатика ва хисоблаш техникасининг асосий тушунчаларини билиши;
- компьютер техникасининг функционал имкониятларини билиши;
- замонавий операцион тизимларни билиш ва уларнинг асосий буйруқларини ўзлаштириши;

- замонавий дастурий воситалар ва операцион тизимларни (Norton Commander, Windows, уларнинг версияларини) билиш ва уларнинг вазифаларини ўзлаштириши;
- камида битга матн мұхаррири билан таниш бўлиши;
- алгоритмлар, тиллар ва дастурлаштириш хақида дастлабки тушунчаларга эга бўлиши;
- амалий дастурлардан фойдаланиш тўғрисида дастлабки тажрибага эга бўлиши.

Таълимни жадаллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш ўкув жараёнининг самарадорлигини оширади, бунда:

- ўқитувчилар, илмий ходимлар жаҳоннинг салмоқли илмий, методик адабиётларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;
- узоқ ҳудудларда жойлашган етакчи таълим муассасаларининг илмий лабораториялари билан танишадилар;
- турли мавзуларда видеоконференциялар ташкил қилиш ва амалга оширишга эришилади;
- ўқитувчиларнинг ўзаро семинар ва тренинглари ўтказилади;
- масофавий таълим, ахборотлар алмашиниш ва шунга ўхшаш жуда кўп имкониятларга эга бўладилар.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ.

### Кейс №1

**Кейс баёни:** Кимё соҳасидаги ютуқлари учун Д.И.Менделеевга ўша вактда қимматбаҳо ҳисобланган қайси металдан ясалган крушка совға қилишган. Бу металл нима учун оксидланишга чидамли бўлган.

*Кейс баёнини ечишда муаммоли методдан фойдаланамиз.*

#### Талабалар учун тавсия этиладиган адабиётлар.

1. Н.А.Парпиев, А.Г.Муфтахов, Х.Р.Рахимов. Анерганик кимё назарий асослари. Тошкент: “Ўзбекистон”-2000.
2. Аҳмеров Қ., Жалилов А., Сайфутдинов Р. Умумий ва анерганик кимё. Т.: Ўзбекистон. 2003. 228-241- бетлар.
3. Ёриев О.М. ва б. Умумий ва ноорганик кимёдан масала ва машқлар тўплами. Тошкент: “Ўз ФМЖ” нашриёти, 2008. 368 б.
4. Тошпулатов Ю.Т., Рахматуллаев Н.Г. Анерганик кимё (назарий асослари). Т.: ТДПУ. 2005. 164-168- бетлар.

#### Кейс топшириқлари:

1. Металл номини айтинг.
2. Металл нима учун оксидланишга чидамли ҳисобланади.
3. Нима учун бу металдан электр симларида фойдаланилади.

#### Кейс ечими

1. Бу Al метали бўлиб ўша вактда жуда қимматбаҳо металлар ҳисобланганлиги учун ундан ясалган крушкани Д.И.Менделеевга совға қилишган.
2. Al металини оксидланишга чидамлилигини сабаби у ҳавода оксид парда ҳосил чилади. Бу оксид парда уни оксидланишдан сақлайди.
3. Ундан электр симларида фойдаланишини сабаби у электр тўкини жуда яхши ўтказади қаршилиги кам.

### Кейс №2

**Кейс баёни.** Усмонова Ранохон “Оксидланиш - қайтарилиш реакцияларининг кислотали мұхитга боғлиқлиги” га оид лаборатория тажрибасига оид тарқатмани қўлига олиб, бажариш мақсадида ишни ўқиб чиққандан сўнг, керакли реактив ва жиҳозларни ўрнатди. Тажрибани бажариш учун штативга уланган 1 та пробиркага  $KMnO_4$  эритмасидан 3-5 мл қўйди. Унинг устига кислотали мұхит ҳосил қилиш учун сулфат кислотанинг 0,1M эритмасидан ва KJ эритмасидан тенг микдорда қўйди. Маълум вақт ўтгандан сўнг, йоднинг қўнғир рангли эркин йод ҳосил бўлади деб кутган эди бироқ эркин йод ажralиб чиқмади.

*Кейс баёнини ечишда муаммоли методдан фойдаланамиз.*

**Талабалар учун тавсия этиладиган манбалар.**

1. Н.А.Парпиев, А.Г.Муфтахов, Х.Р.Рахимов. Анерганик кимё назарий асослари. Тошкент: “Ўзбекистон”-2000.
2. Э.Қодиров, А.Муфтахов, Ш.Норов. Анерганик кимёдан амалий машғулотлар. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996 й.,
3. Ш.Даминова, Х.Тўраев, С.Алиёрова. Анерганик кимёдан лаборатория машгулотлари. Т., 2006.
4. Аҳмеров Қ., Жалилов А., Сайфутдинов Р. Умумий ва анерганик кимё. Т.: Ўзбекистон. 2003. 228-241- бетлар.
5. Аманов Р.А., Искандаров О.Ю., Исмаилов С.А., Р.М.Рузибаева. Общая и неорганическая химия (лабораторный практикум). ТДПУ, 2016
6. Қ.Ахмеров, А.Жалилов, Р.Сайфутдинов. Умумий ва анерганик кимё. Дарслик Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003

**Кейс топшириқлари:**

1. Талаба Усмонова Ранохон тажрибани бажаришда нимага эътибор бермади.
2. Калий перманганат нейтрал мухитда қандай моддларни ҳосил қиласди.
3. Калий перманганат кислотали мухитда қандай моддаларни ҳосил қиласди, реакцияни ёзиб, эркин йод ажralиб чиқишини исботланг.


**Кейс ечими.**

1. Калий перманганат тузининг эритмаси эритмасининг ранги (пушти ранг) ўзгарган бўлса, албатта янгидан тайёрлашга тўғри келади. Агар эски эритмадан фойдаланилса тажриба натижабермаслиги мумкин. Ушбу ҳолатни яққолроқ ифодаланса яъни, эритма эскирмаганлигини билиш учун пробиркага солиб, оз вақт қутиб туриш керак, шунда ҳеч қандай ўзгариш бўлсагина тажриба давом эттирилади.

Калий перманганат тузи эритмада қуёш нури таъсирида ўзгариб, қуйидаги реакция содир бўлади:



2) Нейтрал мухитда бунда перманганат иони  $\text{MnO}_4^-$  марганец (IV)-оксидигача  $\text{MnO}_2$  қайтарилилади. Натижада, эритманинг тўқ қизил ранги йўқолиб, қўнғир жигар рангли чўкма ҳосил бўлади.



3) Кислотали мухитда бунда перманганат  $\text{Mn}^{2+}$  ионига қадар қайтарилилади. Натижада эритманинг олча рангли қизил туси яшил рангга ўтади. Реакция натижасида эркин йод ажralиб чиқади.

Стаканда реакция қуйидаги тенглама бўйича боради.

**Кейс № 3**

**Кейс баёни:** Оксидланиш-қайтарилиш реакциясига оид тажрига бажариш жараёнида Раҳмонов Абдураҳмон пробиркадаги  $\text{H}_2\text{O}_2$  эритмасига  $\text{MnO}_2$

солганида пробирка ичидағи эритмадан газ ажралиб чиқа бошлади. Бу жараён талабаларда катта қизиқишига сабаб бўлди.

*Кейс баёнини ечишда муаммоли методдан фойдаланамиз.*

**Талабалар учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1. Н.А.Парпиев, А.Г.Муфтахов, Х.Р.Рахимов. Анерганик кимё назарий асослари. Тошкент: “Ўзбекистон”-2000.

2. Аҳмеров Қ., Жалилов А., Сайфутдинов Р. Умумий ва анерганик кимё. Т.: Ўзбекистон. 2003. 228-241- бетлар.

3. Ёриев О.М. ва б. Умумий ва ноорганик кимёдан масала ва машқлар тўплами. Тошкент: “ЎзФМЖ” нашриёти, 2008. 368 б.

4. Тошпулатов Ю.Т., Рахматуллаев Н.Г. Анерганик кимё (назарий асослари). Т.: ТДПУ. 2005. 164-168- бетлар.

**Кейс топшириқлари:**

1.Пробиркадан қайдай газ ажралиб чиқаётганлигини топинг.


2. Кимёвий реакция тенгламасини ёзинг.

3. Ушбу реакцияда оксидловчи ва қайтарувчини аниқланг.

**Кейс ечими:**

1. Водород пероксид MnO<sub>2</sub> тасирида парчаланиб сув ва эркин кислородни ҳосил қиласди. Пуфакчалар кўринишида ажралиб чиқаётган кислород газидир

2. Реакцияда марганец (IV)-оксид катализаторлик вазифасини бажаради



3. Ҳам оксидловчи ҳам қайтарувчи модда водород пероксидининг ўзи бўлиб ундаги кислород реакция давомида ҳам оксидланада ҳам қайтарилади.

**Кейс №4**

**Кейс вазияти:** Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига оид лаборатория тажрибаларининг бирида қўнғир рангли бромли сув номаълум газ тасирида ўз рангини йўқотди. Бу жараён ўкувчиларни қизиқишига сабаб бўлди. Уларни номаълум газни топишга киришишди.

*Кейс баёнини ечишда муаммоли методдан фойдаланамиз.*

**Талабалар учун тавсия этиладиган манбалар.**

1. Н.А.Парпиев, А.Г.Муфтахов, Х.Р.Рахимов. Анерганик кимё назарий асослари. Тошкент: “Ўзбекистон”-2000.

2. Аҳмеров Қ., Жалилов А., Сайфутдинов Р. Умумий ва анерганик кимё. Т.: Ўзбекистон. 2003. 228-241- бетлар.

3. Ёриев О.М. ва б. Умумий ва ноорганик кимёдан масала ва машқлар тўплами. Тошкент: “Ўз ФМЖ” нашриёти, 2008. 368 б.

**Кейс топшириқлари:**

1. Номаълум газ қайси бўлиши мумкин.

2. Бромли сув нима учун рангизланди.


3. Реакция тенгламасини ёзинг.

**Кейс ечими**

1. Номаълум газ тўйинмаган углеводород бўлиб улар бромли сувни рангизлантиради.

2. Бромли сувни рангизланишига сабаб у түйинмаган углеводороднинг қўшбоғларига бирикиб, ўз рангини йўқотади.

3. Масалан бу этилен гази бўлиши мумкин. Реакция қўйдагича боради.



#### Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва қўрсаткичлари

Талабалар рўйхати	5- “Ало”.	4- “Яхши”.	3- “қониқарли”	2- “қониқарсиз”.
	Кейс топшириқлари бўйича мустақил хулоса ва қарор қабул қила олса; ижодий фикрлай олса; мустақил мушохада юрута олса; билимларини амалда қўллай олса; моҳиятини тушинса; билиш, айтиб берса; бера олса;	Кейс топшириқлари бўйича мустақил мушохада юрута олса; билимларини амалда қўллай олса; моҳиятини тушинса; билиш, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.	олган билимларини қўллай олса; моҳиятини тушинса; билиш, айтиб берса; тасаввурга эга бўлса.	Кейсни ўзлаштирмаса ; моҳиятини билмаса; аник тасаввурга эга бўлмаса; мустақил фикрлай олмаса.
1				
2				

## VI. ГЛОССАРИЙ.

<b>Терминлар</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Кимё</b>	моддаларнинг тузилиши ва ўзгаришини ўрганадиган фан	Changes in the chemical structure of substances and science
<b>Билим</b>	ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Ўқувчилар ходиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.	the real being finds a general reflection. Students learn information about an event, an event, a law, and it becomes their achievement.
<b>Кимё ўқитиши методикаси</b>	Кимё ўқитиши методикаси – жамият томонидан қўйилган таълим мақсадларга мос равишда кимё ўқитиши усулларини, қонуниятларини унинг Кимё фанини ўқитиши методикаси модули бўйича ўқув-услубий мажмуя маълум ривожланиш даражасида ўрганадиган ва тадқик этадиган педагогиканинг бўлими	Chemistry teaching methodology is a community-based education methods of teaching chemistry in accordance with the objectives, its laws Educational-methodical complex on the module of teaching chemistry studying and researching at a certain level of development department of pedagogy
<b>Вазият</b>	situation - (ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиласидиган шарт- шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси	Situation - (situation) (later Latin situation - situation) - a certain situation, a combination of conditions and circumstances that create the situation
<b>Дарс</b>	Дарс – бу мантиқан тугалланган, бутун вақт билан чегараланган ўқув - тарбия жараёнининг қисмидир.	A lesson is part of a logically complete, time-limited learning process.
<b>Дидактик материаллар</b>	Дидактик материаллар - мустақил ва назорат ишлари матнлари, тестлар ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ҳамда жавобларни беради.	Didactic materials - texts of independent and control works, tests and recommendations and answers on their implementation gives
<b>Инновация</b>	Инновация - янгидан киритилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар	Innovation - newly introduced concepts, regulations, technology and innovation

<b>Интерфаол усул</b>	Интерфаол усул - таълим берувчи ва таълим оловчичи ўртасидаги фаол ҳамкорлик муроқоти	The interactive method is active between the educator and the learner collaborative dialogue
<b>Кейс-стади</b>	Case study - (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим оловчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли- вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим	Case study - (English case - collection, exact situation, stage - education) is described in the case and the learners express the problem and to look for options for its purposeful solution a clearly real or artificially created situation that directs education based on problem-situational analysis
<b>Атом</b>	мусбат зарядланган ядро ва унинг атрофида харакатланадиган манғий зарядлардан ташкил топган электронейтрал заррача	Moving around the positively charged nucleus and negatively charged particle that elektroneutral
<b>Оддий модда</b>	кимёвий элементнинг эркин холда мавжуд була оладиган тури	Simpletype, which stipulates that the chemical elements were freely available and stripes
<b>Молекула</b>	айни модда таркибини ва кимёвий хоссаларини ифодаловчи энг кичик заррачадир	The same material composition and chemical properties of the molecule represents the small estspeak
<b>Полимерлар-</b>	бир неча минг мономерлар йиғиндисидан ташкил топган моддалар	a few thousand and consists of the sum of the monomers
<b>Пластмассалар</b>	таркиби асосан полимер моддалардир	Especial ly polymeric substances
<b>Термопласт иклик</b>	моддалар киздирилганда уз шаклини йукотиб, совутилганда узгартирилган шаклини саклаб колиш хоссаси	material cooledt of orm kizdirilganda problems altered shape conservation property
<b>Ионланиш энергияси</b>	нормал холатда турган атомдан битта электроннинг ажralиб чикиши учун сарф килинган энергия	The ionization energy in the normal case have been spent for the exit from the energy of the electron from the atom

<b>Изомерия ходисаси</b>	таркиби ва молекуляр массалари бир хил аммо тузилиши ёки атомларнинг фазода хар хил жойлашиши натижасида хоссалари билан фаркланувчи моддалар	Isomeric structure—and molecular masses in the same pace, but the structure of atoms, or are sul tof the location of the various properties folding
<b>Кимёвий боғланиш</b>	молекулада атомларни узаро тутиб турувчи кучлар йифиндиси	The sum of the atoms in the molecule chemical bond holding forces
<b>Комплекс бирикмалар</b>	марказий атом ва ионлардан тузилган моддалар	Complex compounds - the central atoms and ions created
<b>Валентлик</b>	элемент ташкии поғонасидағи ток электронлар сони	Stress element dishlaer the number of electrons in the current
<b>Катализатор</b>	реакцияни тезлаштириб узи иштирок этмайдиган модда	Article not participate in the catalytic reaction speed up
<b>Углеводородлар</b>	углерод ва водороддан ташкил топган бирикмалар	Hydrocarbons - compounds composed of carbon and hydrogen
<b>Углеводлар</b>	таркибида углерод, водород ва кислороддан иборат моддалар	Carbohydrates contain carbon, hydrogen and oxygen

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Махсус адабиётлар

1. Paul T. Anastas, Julie B. Zimmerman. Innovations in Green Chemistry and Green Engineering. Hardcover, Springer. Germany, 2013.
2. A.K. Haghi. Modern Nanochemistry. Nova Science Publishers. USA, 2011.
3. Stevanovic, M. Digital media in education system-review of international practice. Models of creative teaching. Available from <http://infoz.ffzg.hrINFuture>. New York, USA, 2011.
4. Garry G. Azgaldov. Applied qualimetry: its origins errors and misconceptions. Emerald Group Publishing Limited. 2011.
5. Athanasios Valavanidis and Thomas Vlachogianni 2012. GREEN CHEMISTRY and GREEN ENGINEERING From Theory to Practice for the Protection of the Environment and Sustainable Development
6. Nanochemistry 2nd Edition 2005.
7. G.B. Sergeev Laboratory of Low Temperature Chemistry Chemistry Department Moscow State University Moscow 119899 Russian Federation K.J. Klabunde Department of Chemistry Kansas State University Manhattan, Kansas 66506 U.S.A.
8. Teaching Chemistry – A Studybook A Practical Guide and Textbook for Student Teachers, Teacher Trainees and Teachers 2013.
9. Integrating Green Chemistry and Green Engineering into the Revitalization of the Toxic Substances Control Act 2010.
10. Kira JM Matus, Evan Beach, Julie B Zimmerman1 Center for Green Chemistry and Green Engineering, Yale University.
11. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere.(2002). Science Education and CapacityBuilding for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development
12. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. 48 бет
13. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
14. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011.
15. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.
16. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
17. Л.В.Голиш. «Талимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш» (ўқув қулланма). Т.: Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, 2001.

18.Р.Ишмуҳаммедов, М.Мирсолиева . Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари (методик қўлланма) .Тошкент , 2014.

### Интернет ресурслар

1. [www. tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [tdpu-INTRANET.ped.](http://tdpu-INTRANET.ped.)
6. [www.grain. Ru](http://www.grain.Ru)
7. [www.plant\\_protection.com.](http://www.plant_protection.com.)
8. [www.chemistry.ru](http://www.chemistry.ru)
9. [www.klyaksa.net](http://www.klyaksa.net) .